

See discussions, stats, and author profiles for this publication at: <https://www.researchgate.net/publication/349408570>

# Mutaxassislikka kirish

Chapter · February 2020

---

CITATIONS  
0

READS  
6,322

1 author:



**Nizom Suyunov**

Tashkent Pharmaceutical Institute

342 PUBLICATIONS 77 CITATIONS

SEE PROFILE

## МУТАХАССИСЛИК ВА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Мамлакатимизда таъдим соҳасида бир қатор ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш тартиби тасдиқланди.

Мазкур Тартиб асосида ишлаб чиқилган фан дастурлари Республика олий таълим муассасалари учун меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади. Фанлар бўйича ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштиришда намунавий фан дастурлари сифатида қўлланилади. Тегишли фан бўйича таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Олий таълимнинг Давлат таълим стандартига кўра 5А510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш магистратура мутахассислиги учун Махсус фанларни ўқитиш методикаси таълим олаётган магистратура талабаларининг назарий ва амалий кўникмаларни шакллантириш билан бирга уларнинг илмий педагогика йўналишдаги тайёргарлигини такомиллаштиришга қаратилган.

### **Ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар**

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанини мақсади – магистратура талабаларини илмий педагогик фаолиятини шакллантиришни, кафедрада ўқитиладиган фанларни ўқитиш услуби, методологияси бўйича ёндашув ҳамда билим, кўникмалари, дунёқарашини шакллантиришни бажаради.

Фаннинг вазифаси – ўқув жараёни самарадорлигини таъминловчи педагогик малакани шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни англаб етишга қаратилган янги профессионал фикрлашни юзага келтириш, педагогик билимлар тизимини методологик асос сифатида эгаллаб олиш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича магистратура талабаларининг билими, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади. Магистратура талабалари:

- махсус фанларни ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари;
- таълим мазмунини танлаш мезонлари, ўқитиш метод ва воситалари;
- ўқитишнинг ахборот технологиялари, ўқув амалиётини ташкил этиш;
- ўқитувчининг ўқув меъёрий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;

- махсус фанларни ўқитиш жараёнининг тузилиши, қонуният ва тамойиллари;

- талабаларнинг диққатини жалб қилиш ва машғулот самарадорлигини ошириш методлари ва воситалари, ўқитиш шакллари (маъруза, семинар, амалий, лаборатория, мустақил таълим, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, ўқув

амалиёти, малакавий ишлаб чиқариш амалиёти)ни ташкил этиш ва ўтказиш методикасини билиши ва улардан фойдалана олиши;

– махсус фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларини таҳлил этиш турлари, шакл ва методларини, ўқитишнинг мультимедиа ва интерфаол таълим технологияларини билиши ва улардан фойдалана олиши;

– дидактик таъминотни ишлаб чиқиш, машғулот ишланмаларини тайёрлаш, ўқув-услубий мажмуаларини ишлаб чиқиш, ўқитиш жараёнида рейтинг тизимини қўллаш;

– ўқитишда машғулотларнинг режасини тузиш ва маъруза матнини тайёрлаш, очиқ машғулотларни ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш, йил, семестр бўйича ўқув ишларининг ташкил этилишини режалаштириш, аудиториядан ташқари иш шаклларига раҳбарлик қилиш,

– ўқитиш жараёнида ахборот технологиялари ва интерфаол технологияларини қўллаш кўникмаларига эга бўлиши керак.

# **МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ, УЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА СТРУКТУРАСИ**

## **Режа**

Ўқув режа ва ишчи ўқув режа.

Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедрасида ўқитиладиган махсус фанлар.

Фанларнинг йўналишлари, махсус фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусий томонлари, асосий мақсад ва вазифалари.

Махсус фанларни ўқитиш жараёнида шакллантириладиган билим ва кўникмалар.

Махсус фанларни ўқитиш шакллариининг умумий тавсифи.

Мутахассислик фанлар, уларнинг асосий мақсади, структураси

Танч иборалар. Ўқув режа, ишчи ўқув режа, фармацевтика ишини ташкил қилиш, махсус фанлар, фанларнинг йўналишлари, махсус фанларни ўқитиш, мақсад, вазифалар, махсус фанларни ўқитиш жараёнида шакллантириладиган билим ва кўникмалар, мутахассислик фанлар, уларнинг асосий мақсади, структураси.

## **I.ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ**

### **II. ЎҚУВ РЕЖАСИ**

## **I.ЎҚУВ ЖАРАЁНИ ЖАДВАЛИ**

### **II. ЎҚУВ РЕЖАСИ**

#### **Фармацевтика иқтисодиёти фанининг ишчи ўқув дастури**

Таълим соҳаси: 510 000 – Соғлиқни сақлаш.

Таълим йўналишлари: 5510500 – Фармация (фармацевтика иши).

5510500 – Фармация (клиник фармация).

5510500 – Фармация (фармацевтик таҳлил).

5111000 – Касб таълими (5510500 – фармацевтика иши).

Умумий ўқув соати: 283 соат.

Шу жумладан: Маъруза 56 соат (7 семестр 28 соат; 8 семестр 28 соат).

Амалий (семинар) машғулот 112 соат (7 семестр 56 соат; 8 семестр 56 соат).

Лаборатория – (йўқ).

Мустақил таълим соати 115 соат (7 семестр 57 соат; 8 семестр 58 соат).

Тошкент–2017й.

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 201\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_даги \_\_\_\_ -сонли буйруғи билан (буйруқнинг \_\_\_\_ -илоvasи) тасдиқланган “Фармацевтика иқтисодиёти” фани дастури асосида тайёрланган.

Фан дастури Тошкент фармацевтика институти Кенгашининг 201 \_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_даги “\_\_” –сонли баёни билан тасдиқланган.

**Тузувчилар:**

Умарова Ш.З. Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси мудир, ф.ф.н., доцент

Садикова Г.Е. Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси катта ўқитувчиси

Раҳматжонова Д.Б. Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси ассистенти.

**Тақризчилар:** Усмонов У.Х. Фармацевтлар малакасини ошириш факултети “Фармация” кафедраси катта ўқитувчиси ф.ф.н.

Ашуров А.А. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси, ДВЕСДМ ТТУ ва ТБ СНҚ лабораторияси мудир, ф.ф.н.

Тошкент фармацевтика институти

факультети декани:

2017 йил “\_\_” \_\_\_\_ А. Нурмухаммедов.

**Фармацевтика иқтисодиёти фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар**

“Фармацевтика иқтисодиёти” фани талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, дорихоналарда ҳисоб ва ҳисобот асослари ҳамда дорихона молия-хўжалик фаолиятининг иқтисодий таҳлили ва режалаштириш тартиби, товарларни қабул қилиш ва сотиш жараёнларига услубий ёндашув ва илмий асосларни шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўника ва малакаларга қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

фармацевтика иқтисодиёти фанига оид билим асослари, турли мулкчилик шаклидаги дорихоналарда иш фаолиятини бозор иқтисодиёти шароитида талаб даражасида ташкил этиш, кичик бизнес корхоналар иқтисодий фаолиятининг хусусиятлари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши;**

турли мулкчилик шаклидаги дорихоналарда келиб тушган моддий бойликларни қабул қилиши, ҳисобга олиш ва бериш тартиби, хўжалик маблағлари ва уларнинг барпо бўлиш манбалари, ташкилотлар, моддий жавобгар шахслар, таъминотчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китобни олиб бориши, қирим ва чиқим касса жараёнларини олиб бориши ва банкга пул топшириш қоидалари,

дорихона ходимларига маошни белгилаш тартиблари ва ҳисобга олиш, дорихоналарда инвентаризацияни ўтказиш тартиблари, бухгалтерия баланси ва ҳисоботларини тузишни, дори воситаларга нарх белгиланишини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

талаба дорихоналарнинг иқтисодий таҳлилини назарий асослари, моддий, товар, меҳнат ва молиявий ресурсларини режалаштириш, дорихонанинг муомала харажатлари, дорихона фойдасини истиқболларини аниқлашнинг асосий негизларини, бюджетларни ишлаб чиқиш ва шакллантириш, бошқарув қарорларини ишлаб усулларини қўллаш, дорихоналарнинг иқтисодий муаммаларни ечимларини қабул қилиш **қўникмаларига эга бўлиши керак.**

## 2 Маъруза машғулоти

1-жадвал

№	Маърузалар мавзулари	Дарс соатлари хажми
7 семестр		
1	Бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари	2
2	Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби	2
3	Дорихонага келтирилган товарлар ҳисоби	2
4	Дорихонада товарлар сарфининг ҳисоби	2
5	Пул маблағлари жараёнларининг ҳисоби	2
6	Ҳисоб-китоб жараёнларининг ҳисоби	2
7	Меҳнат ва иш ҳақининг ҳисоби	2
8	Молийвий инвестициялар ҳисоби	2
9	Бухгалтерия баланси	2
10	Товар, моддий бойликлар, пул маблағларини инвентаризация қилиш	2
11	Дорихона муассасаларининг бухгалтерия ҳисоботлари	2
12	Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими асослари	2
13	Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш асослари	2
14	Яқунловчи маъруза	2
8 семестр		
1	Фармацевтика иқтисодиёти асослари. Дорихона муассасалари фаолиятининг иқтисодий муҳити	2
2	Дори воситаларига нарх белгилаш асослари	2
3	Дорихонанинг иқтисодий кўрсаткичларини режалаштириш услуби	2
4	Дорихонанинг савдо ҳажмини режалаштириш	2
5	Дорихонанинг моддий ресурслари: асосий ва айланма капитали	2
6	Дорихонанинг товар ресурслари	2
7	Дорихонанинг муомала харажатлари	2

8	Дорихонанинг меҳнат ресурслари: ўзгарувчан капитал ресурслари	2
9	Дорихонанинг фойдаси	2
10	Дорихонанинг молиявий ресурслари	2
11	Дорихона бизнес-режасини тузиш	2
12	Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари. Дорихонанинг фаолиятини режалаштириш	2
13	Дорихона муассасаларида буюджетлаштириш асослари	2
14	Яқунловчи маъруза	2
	<b>Жами</b>	<b>56 соат</b>

Маъруза машғулоти мултимедия қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда академик гуруҳлар оқими учун ўтилади.

### 3. Амалий машғулотлар

2-жадвал

№	Маърузалар мавзулари	Дарс соатлари хажми
<i>7 семестр</i>		
1	Бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари	4
2	Асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби	4
3	Дорихонага келтирилган товарлар ҳисоби	4
4	Дорихонада товарлар сарфининг ҳисоби	4
5	Пул маблағлари жараёнларининг ҳисоби	4
6	Ҳисоб-китоб жараёнларининг ҳисоби	4
7	Меҳнат ва иш ҳақининг ҳисоби	4
8	Молийвий инвестициялар ҳисоби	4
9	Бухгалтерия баланси	4
10	Товар, моддий бойликлар, пул маблағларини инвентаризация қилиш	4
11	Дорихона муассасаларининг бухгалтерия ҳисоботлари	4
12	Ўзбекистон Республикасида солиқ тизими асослари	4
13	Юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортиш асослари	4
14	Семинар	4
<i>8 семестр</i>		
1	Фармацевтика иқтисодиёти асослари. Дорихона муассасалари фаолиятининг иқтисодий муҳити	
2	Дори воситаларига нарх белгилаш асослари	4
3	Дорихонанинг иқтисодий кўрсаткичларини режалаштириш услуги	4

4	Дорихонанинг савдо ҳажмини режалаштириш	4
5	Дорихонанинг моддий ресурслари: асосий ва айланма капитали	4
6	Дорихонанинг товар ресурслари	4
7	Дорихонанинг муомала харажатлари	4
8	Дорихонанинг меҳнат ресурслари: ўзгарувчан капитал ресурслари	4
9	Дорихонанинг фойдаси	4
10	Дорихонанинг молиявий ресурслари	4
11	Дорихона бизнес-режасини тузиш	4
12	Иқтисодий таҳлилнинг назарий асослари. Дорихонанинг фаолиятини режалаштириш	4
13	Дорихоналарда буюджетлаштириш асослари	4
14	Семинар	4

Жами

112 соат

### 5. Мустақил таълим

№	Мустақил таълим мавзулари	Дарс соатлари ҳажми
7- семестрда		
1	Дорихона муассасаларида ҳисоб сиёсати	16
2	Бухгалтерия ҳисобининг меъёрий ҳужжатлари	17
3	Дебитор ва кредитор қарздорликларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириши	24
8- семестрда		
4	Кичик бизнес корхоналарининг фаолият хусусиятлари (дорихона мисолида)	16
5	Фойдани кўпайтириш негизлари (максимизация)	17
6	Молиявий инвестициялар, турлари ва уларни баҳолаш	25

Жами

115 соат

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар, слайдлар, вазиятли масалалар, тестлар, кроссвордлар, чайнвордлар тузилади ва Интернет маълумотлари олинади.

**Фан бўйича курс иши.** Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга яқка тартибда тегишли топшириқ шаклида 8-семестрда берилади. Курс ишининг ҳажми 25 бетдан кам бўлмаслиги, А4 форматдаги варақларда электрон тарзда ёзилиши ва тикилиб расмийлаштирилиши лозим. Курс ишини бажариш тартиби ФИТҚ кафедранинг услубий қўлланмасида келтирилган.

**Фармацевтика ишини ташкил қилиш фанининг ишчи ўқув дастури**

510 000-Соғлиқни сақлаш Таълим соҳаси: 110 000 – Педагогика;

Таълим йўналиши: 5510500 - Фармация (фармацевтика иши).

5510500 – Фармация (клиник фармация).

5510500 – Фармация (фармацевтик таҳлил).

5111000 – Касб таълими (5510500 – фармацевтика иши).

Умумий ўқув соати – 238.

Шу жумладан: Маруза – 50 соат; (6-семестр 36 соат; 7- семестр 14 соат);

Амалий машғулотлар – 114 соат (6 семестр 72 соат, 7 семестр 42 соат).

Мустақил талим соати 180 соат (6 семестр 74 соат, 7 семестр 106 соат).

### **Фармацевтика ишини ташкил қилиш фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар**

Фармацевтика ишини ташкил қилиш фани талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, жараёнларга услубий ёндашув ва илмий дунёқарашни шакллантириш вазифаларини бажаради. Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларга қуйидаги талаблар қўйилади.

#### ***Талаба:***

Фармацевтика ишини ташкил қилишга оид билим асослари тўғрисида ***тасаввурга эга бўлиши:***

Фармацевтика ишини ашқил қилиш фанига алоқадор бўлган меъёрий ҳужжатлар, тушунчалар, дорихонада гиёҳванд дори воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар муомаласи, дорихоналарда фармацевтик товарларни сақланишини ташкил қилиш, дорихонанинг майда чакана савдо тармоқлари ишларини ташкил қилиш, дорихона фаолиятида ахборот технологияларини қўллаш, дорихонада “М-Аптека” дастурини қўллаш, аҳолига хизмат кўрсатиш стандартларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши.***

Талаба фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш асослари, дорихона шароитида дори воситаларини тайёрлаш, уларни сифатини назорат қўллаш усулларини қўллаш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар, слайдлар, вазиятли масалалар, тестлар, кроссвордлар, чайнвордлар тузилади ва интернет малумотлари олинади.

***Фан бўйича курс иши.*** Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга яқка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг хажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фан дастурида ва тегишли кафедра томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш талабаларда фан оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак

### **Курс иши учун тахминий мавзулар:**

1 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва фармацевтика хизматини ривожлантириш асослари.

2 Дорихона муассасаларига фармацевтик фаолияти учун лицензия бериш.  
Тиббиёт ва фармацевтика товаршунослиги фанининг ишчи ўқув дастури.

### **Тиббиёт ва фармацевтика товаршунослиги фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар**

“Тиббиёт ва фармацевтика товаршунослиги” фани талабаларни тиббиёт ва фармацевтика товарларининг асосий тавсифларини аниқлаш, тиббиёт ва фармацевтика товаршунослиги тамойиллари ва усулларини белгилаш, тоифалаш усулларини оқилона қўллаш йўли билан тиббиёт ва фармацевтика товарларини тизимлаш, ҳисоб-китоб қилиш мақсадида тиббиёт ва фармацевтика товарларининг ассортиментини ўрганиш, тиббиёт ва фармацевтика товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ушбу маҳсулотлардан фойдаланувчи тиббиёт муассасасининг ассортимент сиёсатини таҳлил қилиш учун тиббиёт товарларининг ассортиментини ва ассортимент кўрсаткичларини аниқлашни ўрганиш, тиббиёт ва фармацевтика товарлар ассортиментини бошқариш; ҳисоб ва жиддий назорат асосида тиббиёт товарларни тўғри қабул қилиш ва сақланишини амалга ошириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларга қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

–тиббиёт ва фармацевтика товаршунослиги фанига оид билим асослари, бозор иқтисодиёти турли мулкчилик шаклидаги дорихоналар ва омборхоналарда талаб даражасида тиббиёт ва фармацевтика товар айланмасини ташкил этиш ва улар ҳақида **тасаввурга эга бўлиши;**

- дорихона тиббиёт буюмлари ва тиббий техника омборларида фармацевт-товаршунос ишини ташкил этиш, турли мулкчилик шаклидаги дорихоналарга, келиб тушган фармацевтика товарларини қабул қилиш ва уларни товаршунослик таҳлилинини ўтказиш;

- турли мулкчилик шаклидаги дорихоналарда, тиббий техника дўконлари ва омборларида тиббиёт ва фармацевтика товарларни қабул қилиш, уларни товаршунослик таҳлилинини ўтказиш жараёнини ташкил қилиш ва тўғри йўлга қўйиш;

- турли мулкчилик шаклидаги дорихоналарда, тиббий техника дўконлари ва омборларида фармацевтика ва тиббиёт товарларни сақлаш жараёнини ташкил қилиш ва тўғри йўлга қўйиш;

- аҳолини дорихона, тиббий техника дўконлари ва омборхоналар орқали ўз вақтида сифатли фармацевтика ва тиббиёт ва фармацевтика товарлар билан таъминлаш йўлларини билиш;

- фармацевтика ва тиббий товаршунослик тамойиллари ва тахлил усулларини ўтказиш;

- фармацевтика ва тиббиёт ва фармацевтика товарларни қабул қилишда ва сақлашда сифатини назорат қилиш учун меъёрий ҳужжатлар билан ишлашни билиш;

- дорихона, тиббий техника дўкон ва омборларида ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш мақсадида фармацевтика ва тиббиёт товарлар ассортиментини бошқариш;

- фармацевтика ва тиббиёт ва фармацевтика товарларни қабул қилиш ва сақлаш жараёнида сифатини баҳолаш усуллари каби кўникмаларига эга бўлиши керак;

адабиётлар, ахборот маълумотлар базаси билан мустақил ишлашни **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

талаба тиббиёт ва фармацевтика товаршунослигининг назарий асослари, тиббиёт ва фармацевтика товар ассортиментини режалаштириш, дорихонадаги тиббиёт ва фармацевтика товарлар сифатини назорат қилиш усулларини билиш ва қўллаш, дорихонада мавжуд товарларни тўғри сақланишини ташкил этиш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

**Фармацевтик менежмент** фанининг ишчи ўқув дастури. Таълим соҳаси: 510000-Соғлиқни сақлаш. Таълим йўналиши: 5510500-Фармация (Дорихона муассасалари иши). 5510500 – Фармация (Клиник фармация). 5111000 – Касб таълими (5510500 – Фармация)

	Фармация	Касб таълими	Клиник фармация
Умумий ўқув соати	222 (114+108)	202 (104+98)	172+32 (105+99)
Шу жумладан:			
Маъруза	34 (18+16)	34(18+16)	34(18+16)
Амалий машғулотлар	99 (51+48)	99 (51+48)	67+32 (51+48)
Мустақил таълим соати	89 (45+44)	69 (35+34)	71 (36+35)

### **Фармацевтик менежмент фанининг ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар**

Фармацевтик менежмент фани – фармацевтика бозорида хўжалик юриштиринг барча бўғинларида бошқаришни ташкил этиш мантиқи, шакллари, услубларини ифодаловчи назарий ва амалий тамойиллар мажмуасидан иборат. Фармацевтик менежмент фани талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, жараёнларга услубий ёндашув ва илмий дунё қарашни шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларга қуйидаги талаблар қўйилади.

**Талаба:**

– фармацевтик менежментга оид билим асослари, бошқарув жараёни субъектлари, категориялари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши**;

– менежмент назарияси асослари; фармацевтик менежмент қонуниятлари; тушунчалар, бошқарув жараёнларининг хусусиятларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

– бошқарув жараёнларини таҳлил қилиш усулларини қўллаш, бошқарув муаммолари бўйича ечим ва қарор қабул қилиш **қўникмаларига эга бўлиши керак**.

## 2 Маруза машғулоти

1- жадвал

№	Маъруза мавзулари	Дарс соатлари хажми
<b>9 семестр</b>		
1	Фармацевтика тизимини бошқаришда менежмент асослари	2
2	Дорихона муассасаларида кадрлар менежменти асослари	2
3	Меҳнат қонунчилиги бўйича асосий маълумотлар	2
4	Фармацевтика бошқаруви тизимида ижтимоий менежмент	2
5	Фармацевтика хизматини бошқаришда ахборот тизими	2
6	Фармацевтик ташкилотларни бошқаришда коммуникация	2
7	Фармацевтика соҳасида дори воситалари билан таъминотнинг давлат томонидан тартибга солиниши. Миллий дори воситалари сиёсати.	2
8	Фармацевтика фаолиятини ташкил этишда бизнес ва тадбиркорлик асослари	2
9	Яқунловчи маъруза.	2
<b>10 семестр</b>		
1	Ўзбекистон Республикасида фармацевтик бозор инфратузилмаси ва уни бошқариш тизими	2
2	Маркетинг фанининг назарий асослари	2
3	Дори воситалари рекламасининг ўзига хос хусусиятлари	2
4	Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва дори воситаларини қалбакилаштиришнинг олдини олиш	2
5	Ўзбекистон Республикасида тиббий маҳсулотни сертификатлаштириш тизими	2
6	Хориждан келтирилган ва маҳаллий дори воситаларини сертификатлаштириш жараёни	2
7	Фармацевтик ташкилотлар фаолиятининг назорати	2
8	Яқунловчи маъруза	2
<b>Жами</b>		34

Маруза машғулоти мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда академ гуруҳлар оқими учун ўтилади.

### 3. Амалий машғулот

№	Амалий машғулотлар мавзулари	Дарс соатлари ҳажми
9 семестр		
1	Фармацевтика тизимини бошқаришда менежмент асослари	3
2	Менежер ва раҳбарлик услублари	3
3	Фармацевтика ташкилотларини бошқариш жараёни	3
4	Фармацевтика ташкилотларида кадрлар менежменти асослари	3
5	Фармацевт ходимларини баҳолаш ва аттестацияси	3
6	Фармацевтика ташкилотларида ходимларни ишга қабул қилиш	3
7	Меҳнат шартларини озгартириш. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби	3
8	Фармацевтика ташкилотларида меҳнат интизоми ва уни таъминлаш	3
9	Фармацевтика ташкилотларида ижтимоий менежмент асослари	3
10	Фармацевтик ташкилотлар жамоасида низолар ва уларни бартараф этиш	3
11	Фармацевтика хизматини бошқаришда ахборот тизими	3
12	Илмий фармацевтик ахборот ва унинг ҳужжат манбалари	3
13	Фармацевтик ташкилотларни бошқаришда коммуникация. ОН	3
14	Фармацевтика соҳасида дори воситалари билан таъминотнинг давлат томонидан тартибга солиниши. Миллий дори воситалари сиёсати.	3
15	Фармацевтика фаолиятини ташкил этишда бизнес ва тадбиркорлик асослари	3
16	Фармацевтик бизнесни ташкил этишда корхоналарни таъсис этиш жараёни	3
17	Семинар.	3
10 семестр		
1	Ўзбекистон Республикасида фармацевтик бозор инфратузилмаси ва уни бошқариш тизими	3
2	Фармацевтика бозори инфратузилмасининг таркибий элементлари	3
3	Ўзбекистон Республикаси фармацевтика ташкилотларини бошқаришда маркетинг тизимининг аҳамияти	3
4	Истеъмолчиларнинг талабига асосан маркетингнинг турлари ва вазифалари	3
5	Фармацевтик ташкилотларнинг маркетинг муҳити	3
6	Дори воситалари рекламасининг қонуний асослари	3
7	Дори воситалари рекламасини ташкил этиш	3
8	Фармацевтика бозорида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва дори воситаларини қалбакилаштиришнинг олдини олишнинг	3

	қонуний асослари	
9	Фармацевтика бозорида дори воситаларини қалбакилаштириш муаммоси ва унинг ҳолати	3
10	Фармацевтика бозорида дори воситаларини қалбакилаштиришни бартараф этиш чора-тадбирлари	3
11	Дори воситалари сифатини бошқаришда сертификатлаштириш тизими	3
12	Дори воситалари ва тиббий маҳсулотларни хориждан келтиришда сертификатлаштириш тартиби	3
13	Дори воситалари ва тиббий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда сертификатлаштириш тартиби. ОН	3
14	Фармацевтик ташкилотлар фаолиятининг назорати	3
15	Фармацевтик назорат ва уни ўтказиш тартиби	3
16	Фармацевтика бошқаруви тизимида аудит	3
Жами		99

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда ҳар бир академ гуруҳга алоҳида ўтилади. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилади. “Кейс-стади” технологияси ишлатилади, кейслар мазмуни ўқитувчи томонидан белгиланади. Кўргазмали материаллар ва ахборотлар мультимедиа қурилмалари ёрдамида узатилади.

### 1. Мустақил таълим

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар, слайдлар, вазиятли масалалар, тестлар, кроссвордлар, чайнвордлар тузилади ва Интернет маълумотлари олинади. Мустақил иш максимал 5 балл билан баҳоланади. Топширилган мустақил ишлар кафедрада бир йил давомида сақланади.

**Фан бўйича курс иши.** Курс иши фан мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан талабаларга яқка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фан дастурида ва тегишли кафедра томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш талабаларда фан оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилиши керак

Курс иши учун тахминий мавзулар

1. Фармацевтика тизимини бошқаришда менежмент асослари.
2. Фармацевтика ташкилотларни бошқариш жараёни.
3. Менежер ва раҳбарлик услублари.
4. Фармацевтика ташкилотларининг ташкилий тузилмаси.

5. Бошқарув назоратининг аҳамияти, шакллари, амалга ошириш воситалари.

Курс иши мавзуларининг тўлиқ рўйхати кафедрада ишлаб чиқилган услубий кўрсатмада келтирилган.

### **Магистратура мутахассислигида ўқитиладиган мутахассислик фанлари, уларнинг асосий мақсади, структураси**

Фармацевтика ташкилотларида бошқарув тизими фан дастури

Ўқув фаннинг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Ўзбекистонда фармацевтика тизимининг такомиллашуви, бу тизимдаги ислохотларнинг самарали ривож ва халқаро стандартлар миқёсида ҳаётга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан замон талабига жавоб берадиган фармацевт-мутахассисларни тайёрлаш сифатига боғлиқ. Ҳозирги шароитда ОТМни битирган фармацевт кадрлар ўзгарувчан бозор шароитида янги тафаккур асосида фаолият юритишлари учун улар замонавий билимларга эга бўлишлари, иқтисодий жиҳатдан етук мутахассис бўлишлари керак. Фармацевтика ташкилотларида бошқарув тизими мутахассислик фани бўйича билим савияси эса мутахассисларимизнинг менежмент ва маркетинг асослари бўйича билим ва кўникмаларининг мукамаллигига боғлиқ. Шу билан бирга, 5А510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш магистратура мутахассислиги учун мўлжалланган Фармацевтика ташкилотларида бошқарув тизими мутахассислик фани ушбу билимларни шакллантиришни кўзда тутди. 5А510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш магистратура мутахассислигида тахсил олаётган магистрантлар мутахассислик фанлари бўйича келгуси бошқарув фаолиятлари учун зарурий билимлар ва кўникмаларни олиб, фармацевтика тизими учун юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар сифатида шаклланадилар.

### **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

Ҳамма соҳалар, тармоқлар каби фармацевтикада рақобатнинг ўсиб бориши шароитида дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, савдоси билан шуғулланувчи фирмалар бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш, уни ривожлантириш, янги бозорларга чиқиш, рақобатбардошликка эришиш, янги дори воситаларини истеъмолчиларга тақдим этиш каби мақсадларни кўзлаш борасида ташкилотни замон талабида бошқариши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Фанни ўқитишдан мақсад – фармацевтика фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этиш учун малакали бошқарувчи кадрларни тайёрлаш бўлиб, ушбу мақсадга эришиш учун Фармацевтика ташкилотларида бошқарув тизими мутахассислик фани бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш асосида

республика аҳолиси ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талабини қондиришда самарали бошқарув тизимини шакллантириш ва уни ривожлантиришдир.

Фаннинг вазифалари – ушбу мақсадга эришиш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш асосида республика аҳолиси ва даволаш-профилактика муассасаларининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талабини қондиришда самарали бошқарув тизимини шакллантириш ва уни ривожлантириш кўзланади.

Фан бўйича талаба-магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

**Талаба:**

- фармацевтик менежмент моҳияти;
- бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёни ва босқичлари;
- раҳбарлик услублари ва уларнинг қўлланиши тўғрисида **тасаввурга эга бўлиш;**
- фармацевтика ташкилотларининг бошқарувида коммуникация жараёни ҳақида;
  - ходимлар билан ишни ташкиллаштириш, кадрлар менежменти;
  - менежментнинг функциялари;
  - дорихона муассасалари ва фармацевтик корхоналарини бошқариш усулларини **билиш ва улардан фойдалана олиши;**
  - турли мулкчилик шаклидаги дорихоналар, фармацевтик ташкилотларни бошқариш тизимини ташкиллаштиришни билиши;
  - фармацевтик менежмент муаммоларининг таҳлили бўйича **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

Фаннинг назарий-амалий машғулотлари мазмуни

**IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Бошқарув назарияларининг ривожини, фармацевтик корхоналарни бошқарув тамойиллари
2. Фармацевтика ташкилотларини бошқаришда асосий таянч элементлар:  
ташкилот миссияси, мақсади, бошқарув технологияси
3. Фармацевтик ташкилотларни бошқарув жараёни, функциялари, ваколатлар

4. Фармацевтик ташкилотларни бошқарув усуллари, мазмуни, вазифалари
5. Фармацевтика соҳадаги менежерлар тури, уларнинг фаолияти мақсади, мазмуни, вазифалари, хусусиятлари
6. Замонавий раҳбарлик усубларини қўллаш
7. Фармацевтик ташкилотларнинг бошқарувида самарали қарорни қабул қилиш, ижросини ташкил этиш ва амалга ошириш назорати
8. Фармацевтика корхоналарида ишлаб чиқаришни бошқариш асослари
9. Фармацевтик ташкилотларида инновацион менежментни татбиқ этиш
10. Фармацевтика корхоналарида сифатни бошқариш ва хорижий тажриба
11. Фармацевтика корхоналарида сифатни бошқаришда таъминоти
12. Тайм-менежментни моҳияти ва татбиқ этиш йўллари
13. Фармацевтика ташкилотлар бошқарувида самарали ахборот тизимини жорий этиш
14. Фармацевтик корхоналарида бошқарув фаолиятини режалаштириш
15. Фармацевтика ташкилотларида мотивация таъминоти
16. Фармацевтик ташкилотларнинг фармназоратини ўтказиш тартиби
17. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг чакана ва улгуржи савдосининг назорати
18. Фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарининг фармназорати
19. Фармацевтик ташкилот модели ва тузилмаси
20. Фармацевтик ташкилотни лойиҳалаштириш, ташкилий структуранинг турлари

## **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар

1. Фармацевтик ташкилотларнинг бошқарувида самарали қарорни қабул қилиш.
2. Фармацевтикада тайм-менежментни моҳияти ва татбиқ этиш йўллари.
3. Фармацевтик ташкилотларида инновацион менежментни

татбиқ этиш.

4. Фармацевтика ташкилотларида инсон ресурсларини бошқариш сиёсати.

5. Фармацевтик ташкилотларда ижтимоий бошқаришни ташкил қилиш.

6. Улгуржи фармацевтик корхоналарида низоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари.

Мустақил ишни бажаришдан асосий мақсад, профессор-ўқитувчиларнинг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида магистратура талабаларини семестр давомида фанларни узлуксиз ўрганишини ташкил этиши, олинган билим, кўникмаларини чуқур ўрганиб мустаҳкамлаш, келгусидаги дарсларга тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданияти, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш ва қабул қилиш, кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш.

Мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар магистратура талабаларининг мустақил ишини ташкил этиш бўйича кафедрада ишлаб чиқилган ва мунтазам янгиланиб борадиган услубий қўлланмаларда кенг ёритилган.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланишга тавсия этилади.

дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан мавзуларини ўрганиш;

тарқатма материаллар бўйича назарий машғулотлар қисмини ўзлаштириш;

\* компьютер технологиялари тизимлари билан ишлаш;

махсус адабиётлар бўйича реферат ва конспектлар тайёрлаш;

талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган адабиётлар, монография ва илмий тўпламларни чуқур ўрганиш;

интерактив ва муаммоли ўқитиш жараёнида фаол қатнашиш;

масофавий (дистатцион) таълимни ташкил этишда қатнашиш.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Курс лойихасининг мақсади магистратура талабаларини мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини қўллашда амалий кўникмалар ҳосил қилиш, бевосита ишлаб чиқаришдаги реал шароитларга мос ечимлар қабул қилиш ва замонавий технологияларни қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишдир.

Курс лойихаси объекти сифатида турли мулкчилик шаклидаги фармацевтика ташкилотлар, дорихона муассасалари, фармацевтик корхоналар, фирмалар хизмат қилади.

### **Курс ишининг тахминий рўйхати**

1. Фармацевтика ташкилотларида бошқарув усуллари.

2. Фармацевтика ташкилотларида раҳбарлик моҳияти ва услублари.
3. Фармацевтика ташкилотлар бошқарувида лидерлик ва раҳбар турлари.
4. Фармацевтика ташкилотларида ишлаб чиқариш менежментини ташкил этиш.
5. Фармацевтика ташкилотларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш жараёни.
6. Маъмурий менежментда ваколатларнинг мазмуни ва моҳияти.
7. Менежментда қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш.
8. Фармацевтика ташкилотларида персонални режалаштириш ва бошқариш.

VI. Асосий ва қўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари.

Асосий адабиётлар:

Қўшимча адабиётлар:

Интернет сайтларидан иборат

## **Фармацевтик маркетинг фан дастури**

### **I. Ўқув фаннинг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика соҳасида амалга ошаётган ислохотлар шароитида дорихона муассасалари ва фармацевтик корхоналарини бошқаришнинг асосий концепцияси сифатида маркетинг тизимини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Шу сабабли “Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш” магистратура мутахассислигида тахсил олаётган магистрантлар Фармацевтик маркетинг фани бўйича келгуси бошқарув фаолиятлари учун зарурий билимлар ва кўникмаларни олиб, фармацевтика тизими учун юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар сифатида шаклланадилар. Фармацевтик маркетинг фани мутахассислик фанлар блокига киритилган фан ҳисобланиб, магистратура 1 курсининг 1-2 семестрларида ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

Ҳамма соҳалар, тармоқлар каби фармацевтикада рақобатнинг ўсиб бориши шароитида дори воситаларини ишлаб чиқарувчи, савдоси билан шуғулланувчи фирмалар бозорда ўз мавқеини сақлаб қолиш, уни ривожлантириш, янги бозорларга чиқиш, рақобатбардошликка эришиш, янги дори воситаларини истеъмолчиларга тақдим этиш каби мақсадларни кўзлаш борасида ташкилотни замон талабида бошқариши алоҳида аҳамиятга эгадир.

### **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

Фанни ўқитишдан мақсад – фармацевтика фаолиятини замонавий талаблар асосида ташкил этиш учун малакали бошқарув кадрларини тайёрлаш бўлиб,

билим ва кўникмаларни шакллантириш асосида республика аҳолиси ва даволаш муассасаларини дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талабини қондиришда самарали маркетинг тизимини шакллантириш ва уни ривожлантиришдан иборатдир. Фанни ўрганиш натижасида талаба фармацевтика бозорини бошқариш, ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёнида маркетинг асослари ва тамоилларини татбиқ этишни ўрганадилар.

Фаннинг вазифалари - самарали маркетинг фаолиятини татбиқ этиш асосида узоқ вақт мобайнида ташкилотнинг самарали фаолиятини таъминлаш, республика аҳолиси ва даволаш муассасаларини дори воситалари ва тиббиёт буюмларига бўлган талабини қондиришда самарали бошқарув тизимини шакллантириш ва уни ривожлантириш.

Фан бўйича талаба-магистрантларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади:

**Талаба:**

- фармацевтика бозори шароитида фармацевтик маркетингнинг моҳияти ва асосий вазифалари;
- фармацевтика бозорининг сегментацияси, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларда фармацевтика бозорининг ривожланиш тенденциялари;
- фармацевтика бозорида рақобат тушунчаси;
- фармацевтика бозори тизимида товар сиёсати;
- фармацевтик бизнес стратегияси моҳияти ва турлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- фармацевтика бозорининг конъюнктурасини баҳолаш;
- дори воситаларининг бозордаги ҳаётий даврини таҳлил қилиш;
- дори воситаларининг ассортименти, уни ўрганиш усуллари;
- фармацевтик маркетингда логистика, логистик каналларни шакллантирилишини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- фармацевтик ташкилотнинг маркетинг муҳитини SWOT – таҳлил асосида ўрганиш;
- фармацевтик ташкилотининг маркетинг тузилмасини шакллантириш
- фармацевтика бозорида талабни шакллантириш ва сотувларни рағбатлантириш сиёсатини режалаштириш;
- фармацевтика бозори маркетингида нарх сиёсатини шакллантириш;
- фармацевтик ташкилотнинг рақобатбардошлигини баҳолаш;
- маркетингни стратегик режалаштириш бўйича **қуникмаларга эга бўлиши керак.**

### III. Асосий назарий қисм (семинар машғулотлари).

Фаннинг назарий-амалий машғулотлари мазмуни

### IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Фанга кириш. Маркетинг фанининг предмети ва аҳамияти
2. Фармацевтик маркетинг фанининг вазифалари ва объектлари
3. Фармацевтика бозори, унинг шаклланиши, ўзига хос

хусусиятлари

4. Фармацевтик ташкилотларнинг маркетинг макромухити
5. Фармацевтик ташкилотлар маркетингининг микромухити
6. Фармацевтика ташкилотларида маркетинг комплексини

шакллантириш

7. Фармацевтика бозори тизимида товар сиёсати
8. Дори воситаларининг ассортименти, унинг тоифаланиши
9. Дори воситаларининг бозордаги ҳаётий даври
10. Фармацевтик маҳсулотга нархнинг шаклланиши, нарх сиёсати.
11. Фармацевтика бозорида товарни ҳаракатланиш каналлари.

Фармацевтик маркетингда логистика

12. Фармацевтик маҳсулотга талабнинг шаклланиши ва унга таъсир

этувчи омиллар

13. Фармацевтика бозорида талабни шакллантириш ва сотувларни

рағбатлантириш

14. Маркетинг коммуникациялари
15. Фармацевтика бозорининг конъюнктураси
16. Фармацевтика бозори истеъмолчилари, турлари, тавсифи
17. Корхоналарда маркетинг тизимини ташкил этиш
18. Фармацевтика бозорида рақобат муҳит, фармацевтик

корхонанинг

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан ўқув-услубий кўрсатмалар ва тарқатма материаллар ишлаб чиқилди. Амалий машғулотларда магистрантлар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларни янада бойитадилар. Фан бўйича дарс ўтиш жараёнида магистрантлар гуруҳларда ишлаб, тарқатма материал асосида мустақил равишда ва гуруҳлараро муҳокама қилиш кўникмаларини шакллантирадилар. Таълим жараёнида интерфаол мулоқотни тадбиқ этиш, янги замонавий маълумотлардан фойдаланган ҳолда магистрантларнинг илмий педагогик фаолиятини такомиллаштириш кўзда тутилади.

Шунингдек дарслик ва услубий кўрсатмалар асосида магистрантлар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш ва

мустақил таълим асосида магистрантлар билим ва кўникмаларини шакллантириш кўзланади.

## **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар

1. Фармацевтикада маркетинг тамоиллари
2. Маркетинг – микс тушунчаси, унинг моҳияти ва аҳамияти.
3. Фармацевтик бозор, унинг шаклланиши, ўзига хос хусусиятлари
4. Фармацевтик бозор шароитида маркетинг муҳити, уни ўрганиш.
5. Фармацевтика бозори истеъмолчиларини ўрганиш.

Мустақил ишни бажаришдан асосий мақсад, профессор-ўқитувчиларнинг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида магистрантларни семестр давомида фанларни узлуксиз урганишини ташкил этиш, олинган билим, кўникмаларини чуқур урганиб мустаҳкамлаш, келгусидаги дарсларга тайёргарлик куриш, ақлий меҳнат маданияти, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш ва қабул қилишни шакллантиришдан иборат. Мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар магистрантнинг мустақил ишини ташкил этиш бўйича кафедрада ишлаб чиқилган ва мунтазам янгиланиб борадиган услубий қўлланмаларда кенг ёритилган. Мустақил ишлар реферат, слайд, вазиятли масалалар, тест кўринишларида бажарилади.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланишга тавсия этилади.

- \* дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан мавзуларини ўрганиш;
- \* тарқатма материаллар бўйича назарий машғулотлар қисмини ўзлаштириш;
- \* компьютер технологиялари тизимлари билан ишлаш;
- \* махсус адабиётлар бўйича реферат ва конспектлар тайёрлаш;
- \* талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган адабиётлар, монография ва илмий тўпламларни чуқур ўрганиш;
- \* интерактив ва муаммоли ўқитиш жараёнида фаол қатнашиш;
- \* масофавий (дистанцион) таълимни ташкил этишда қатнашиш.

### ***Фан бўйича курс иши.***

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

## **VI. Асосий ва кўшимча адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари.**

Асосий адабиётлар:

Кўшимча адабиётлар: Интернет сайтларидан иборат.

## **Фармакоиктисодиёт фан дастури**

### **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Ушбу фан фармацевтика тизимининг такомиллашуви, бу тизимдаги ислохотларнинг самарали ривож ва халқаро стандартлар миқёсида ҳаётга тадбиқ этилиши кўп жиҳатдан замон талабига жавоб берадиган фармацевт-мутахассисларни тайёрлаш сифатига боғлиқ. Фармацевтика бозорида дори воситаларининг таъминотини

тўғри ташкил этиш ва оптималлаштиришда мутахассислик фанлари бўйича олган билим ва кўникмаларининг мукамаллигига боғлиқ.

Дори воситаларининг самарадорлигини аниқлашни ўрганиш, нархларини объектив таҳлил қилиш, ножўя таъсирларини олдини олиш ва таъминотини такомиллаштириш масалаларини ҳал қилишда фани бўйича назарий билимларни моҳиятини тушунишда магистратура талабаларини зарур билимлар билан қуроллантиради.

“Фармакоиктисодиёт” фани мутахассислик фанлар блокига киритилган ва курсда ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

“Фармакоиктисодиёт” фани Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот фанлар туркумига киради ва 5A510502 – Фармацевтика ишини ташкил қилиш ва бошқариш мутахассислигида ўқитилади. Мазкур фан бошқа фармацевтика фанларининг назарий ва услубий асосини ташкил қилиб, ўз ривожда аниқ мутахассисликдаги фармацевтика фанлари учун замин бўлиб хизмат қилади.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

Фанни ўқитишдан мақсад – магистратура талабаларига фармакоиктисодий билимларнинг назарий асосларини, дори воситаларининг самарадорлигини ўрганиш, ножўя таъсирини, нархларини таҳлил қилиш, харажатлар мезонларини ўрганиш, фармакоиктисодий қонунлар ва тамойилларни ўргатишни шакиллантиради, ҳамда уларни амалиётда тадбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишга замин яратади.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан магистратура талабаларини назарий билимлари, амалий кўникмалар, дори воситаларининг самаралиги, ножўя таъсири, нархлари ва шу асосда, таъминотни оптималлаштиришга услубий ёндашувни ўзлаштириш ҳамда кўникмаларга эга бўлиш бўйича илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича магистратура талабаларининг билими, кўникма ва малакаларига кўйидаги талаблар қўйилади.

### **Талаба:**

– фармакоиктисодиётда қўлланиладиган харажатлар мезонлари, дори воситаларининг самарадорлиги, нархлари ва ножўя таъсири тўғрисида **тасаввурга эга бўлиш;**

– фармакоиктисодиёт назарияси асосларини, қонунларини тушунчаларини, мезонларини, дори билан таъминлаш жараёнларининг хусусиятларини **билиш ва улардан фойдалана олиши;**

– фармакоиктисодий таҳлил қилиш усулларини қўллаш, дори воситалари таъминоти масалалари ечимларини қабул қилиш бўйича кўникмаларига эга бўлиши керак.

## **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

Фаннинг назарий-амалий машғулотлари мазмуни

## **IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади.

1. Фармакоиктисодиёт фанига кириш. Фармакоиктисодиёт мезонлари.
2. Фармакоиктисодиёт асослари ва унда фойдаланиладиган харажатлар мезонлари.

3. Харажатлар фармакоиктисодий тоифа сифатида.
4. Харажатларни минималлаштириш таҳлили.
5. Харажатлар самарадорлик таҳлили.

Амалий машғулотлар Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедрасида мультимедиа билан жиҳозланган аудиторияда бир академ гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилиши керак. Унда магистратура талабалари асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини турли масалалар ечиш орқали янада бойитадилар. Шуниндек, маърузалар матни, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида магистратура талабалари билимини ошириш, масалалар ечиш ва бошқалар тавсия этилади. Амалий машғулотларни ташкил этишда фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, унга мос равишда муносиб профессор-ўқитувчилар ва ахборот-технологиялар қўлланилиши, Интернетдаги International Society for Pharmacoeconomics and Outcomes Research маълумотларидан фойдаланиш, мақсадга мувофиқ.

#### **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Фармакоиктисодиётга кириш ва мезонлари.
2. Фармакоиктисодиётда қўлланиладиган харажатлар таҳлили.
3. Фармакоэпидемиологиянинг асослари.
4. Республикамизда фармакологик назорат тизими.

Бунда улар кўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб рефератлар ва илмий докладлар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўрғазмали қуроллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Мустақил ишни бажаришдан асосий мақсад, профессор-ўқитувчиларнинг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида магистратура талабаларини семестр давомида фанларни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим, кўникмаларини чуқур ўрганиб мустаҳкамлаш, келгусидаги дарсларга тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданияти, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш ва қабул қилишни шакллантиришдан иборат. Мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар магистратура талабаларининг мустақил ишини ташкил этиш бўйича кафедрада ишлаб чиқилган ва мунтазам янгиланиб борадиган услубий қўлланмаларда кенг ёритилган.

магистратура талабалари мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйдаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик, ўқув қўлланмалар ва интернет бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар, қарорлар, буйруқлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- ҳисоблашда электрон дастурлар ёрдамида амалий иш олиб бориш;

• фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан  
фойдаланиладиган ўқув машғулоти.

**Фан бўйича курс иши.** Курс иши Фармакоиктисодиёт фани мавзуларига тааллуқли масалалар юзасидан магистратура талабаларига яқка тартибда тегишли топшириқ шаклида берилади. Курс ишининг ҳажми, расмийлаштириш шакли, баҳолаш мезонлари ишчи фан дастурида ва тегишли Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси томонидан белгиланади. Курс ишини бажариш магистратура талабаларида фанга оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга хизмат қилиши керак.

Курс иши учун тахминий мавзулар:

Асосий ва кўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Адабиётлар

1. Тошмухамедов Э.Р., Зайнутдинов Х.С., Зияев Р.З. ва бошқ. Фармацевтика иқтисодиёти. Проф. Тошмухамедов таҳрири остида. – Т. «Иқтисод-Молия». – 2008. -340 б.
2. Тошмухамедов э.Р.,  
Зайнутдинов Х.С., Зияев Р.З, Ибрагимова М.Я., Зулфитдинова С.Ш., Тўхтаева А.М., Умарова Ш.З. “Фармацевтика иқтисодиёти”. Профессор Тошмухамедов э.Р. таҳрири остида.-Т. “Иқтисод-Молия”, 2008.-340 б.

## **ЎҚУВ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР, ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИ, УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

### **Режа**

Олий таълим тизимини ташкил этишда қўлланадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Давлат таълим стандартлари, унинг талаблари.

Ўқув режалари, махсус фанларни ўқитиш мазмунини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар.

Фанлар бўйича тузилган намунавий ва ишчи дастурлар

Махсус фан ўқитувчисининг ўқув-услубий фаолияти, методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси.

Олий таълим тизимидаги ўқув адабиётлари, уларнинг турлари ва функциялари.

**Таянч иборалар:** стандарт, давлат таълим стандартлари, таълим стандартларининг мақсади, таълим стандартларининг вазифалари, таянч ўқув режалари, технологик харита, намунавий ўқув дастури, ишчи ўқув дастури, календарь режа, ўқув-услубий мажмуа.

**Олий таълим тизимини ташкил этишда ишлатиладиган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар**

Олий таълим тизимининг бош мақсади меҳнат бозори талабларига мос, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш. Бу мақсадга эришиш учун улар қандай билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишлари керак? Бунинг учун талабалар қандай фанларни, нималарни чуқур ўрганиши зарар ва улар қандай аниқланади?

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи малакали кадрлар тайёрлаш тизимини яратишдир. Бу тизим дунёга янги кўз билан қарайдиган, ишнинг кўзини билувчи, вазиятни таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқариб, қарор қабул қилувчи, келажакни мустақкам пойдеворини қурувчи ва жамият тараққиётини таъминловчи кадрлар тайёрлашни энг муҳим ва масъулиятли вазифа сифатида амалга ошириши лозим.

Бу вазифани амалга оширишда таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш, фанларни ўқитишда ўқув-услубий мажмуа ва унинг ўқув жараёнини ташкил этишда қўллаш муҳим роль ўйнайди.

**Давлат таълим стандартлари, унинг талаблари**

Биз энг аввало, кимни, қандай кадрлар тайёрлашни аниқ тасаввур қилишимиз керак. Бу мақсад давлат таълим стандартларида ўз аксини топади.

**Стандарт** (инглизча «Стандард» – норма, намуна) маҳсулотни сифати, таркиби жиҳатидан қатий белгиланган параметрлардан ташкил топган, маҳсулот, қоида, кўринишдир. Стандарт кенг маънода бир-бири билан таққослаш мумкин бўлган объектларни солиштириш учун қабул қилинган намуна, эталон, моделдир. Стандартлар техник меъёрий ҳужжат сифатида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган маълум мезонлар, қоидалар, талаблар комплексидан иборат. Улар ваколатли органлар томонидан тасдиқланади.

Стандартлар моддий шаклда маҳсулот эталони, намуна сифатида бўлиши ёки турли норматив, қонун-қоида, талаблар тарзида бўлиши мумкин. Стандартларни қўллашдан мақсад, маҳсулотни, бажарилган ишни сифатини таъминлаш.

Таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг давлат таълим стандартларини ишлаб чиқилишидан мақсад, тайёрланаётган кадрларимизни замон талаби даражасида бўлишини таъминлашдир.

Бу стандартларда таълим даргоҳини битириб чиқаётган талабалар қандай билим, малака ва кўникмаларга эга бўлиши, уларнинг қўлидан нима иш келишининг минимал даражаси белгилаб қўйилади.

“Таълимни стандартлаштириш, бу бутун дунё миқёсида таълимни ислоҳ қилишдаги энг асосий тенденциялардан бири”<sup>1</sup>. Унга бозор иқтисодиёти талаблари нуқтайи назаридан ёндашилади. Жамият билан таълимнинг ўзаро мослашишини таъминлаш бугунги куннинг ниҳоятда жиддий масаласидир. Айниқса, икки мустақил бозор, таълим ва меҳнат бозорларини бир-бирига яқинлаштириш, шу асосда талаб ва таклиф мувозанатига эришиш ниҳоятда муҳим ва долзарб масала. Жамиятда содир бўлаётган янгиликлар, фармацевтикадаги ўзгаришлар таълим тизимида янгича ёндашишни тақозо этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади ва амалга ошириш лозим бўлган вазифаларидан бири, таълим олувчиларнинг тайёргарлик сифати ва ихтисосига талабларни, уларнинг маданий ва маънавий-руҳий даражаларини аниқлаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва уни татбиқ этишдир.

Халқаро талабларга жавоб берувчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш:

Низомда давлат таълим стандартларининг мақсад ва вазифалари кўрсатилган. Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши қуйидаги мақсадларда амалга оширилишини назарда тутати:

---

<sup>1</sup> Divall MV, Hayney MS, Marsh W, . Perceptions of pharmacy students, faculty members, and administrators on the use of technology in the classroom. *Am J Pharm Educ.* 2013;77(4):Article 75.

– таълимнинг юксак сифатини таъминлаш ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур фармацевтика ва ижтимоий ислохотлар асосида ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрланишини таъминлаш;

–мамлакатнинг ижтимоий ва фармацевтика тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш мазмунини тартибга солиш;

–таълимнинг демократлашувига инсонпарварлашувига, ижтимоийлигига кўра, таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, фармацевтика билимлари даражасини, шунингдек, таълим жараёни самарадорлигини ошириш;

– сифатли таълим хизматларини кўрсатиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахснинг жамият ва давлатнинг вазифаларини ҳимоя қилиш;

–кадрлар тайёрлаш сифатини ва таълим фаолияти мезонлари ва тартибини баҳолаш;

–таълим жараёни ва кадрлар тайёрлашнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш, таълимнинг барча турлари ва курсларида ўқув-тарбия жараёнини мақбуллаштириш;

–меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминлаш.

Шу мақсадларни амалга ошириш учун давлат таълим стандартларининг вазифалари белгиланди, улар:

–таълим сифатига ва кадрлар тайёрлашга кўрситиладиган таълим хизматлари номенклатурасига нисбатан қўйиладиган мақбул талабларни белгилаш;

–таълимга ва унинг пировард натижаларига, таълим олувчиларнинг билим ва касбий малакаси даражасини вақти-вақти билан баҳолаш тартиби ва тартиботига, шунингдек, таълим фаолияти устидан назорат қилишга нисбатан қўйиладиган тегишли талабларни белгиловчи меъёрий базани яратиш;

–халқнинг бой маънавий мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;

–таълимнинг барча турлари мазмунини ҳамда олиб бориладиган таълим ва тарбияни келишиб олиш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини узлуксиз таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда изчилликни таъминлаш;

–педагогик технологияларига ва ахборот билан таъминланишига, таълим даражасини назорат қилишга, таълим муассасаларида таълим олувчилар ва уларни битирувчиларнинг малакасига нисбатан меъёрлар ва талабларни белгилаш;

–таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатига баҳо беришнинг холис қисмини, таълим муассасаларининг аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилишни жорий этиш;

–кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;

миллий стандартлар талаби билан таълим сифати ва кадрлар тайёрлашнинг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш.

Давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритиш республиканинг ижтимоий ва фармацевтика тармоғини ривожланишига мувофиқ равишда таълим даражаси ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар ўзгариши белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Тайёрланаётган мутахассис кадрларга талаб ва таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда:

Давлат таълим стандартлари;

–асосий қоидалари бўйича таянч ўқув режаси ишлаб чиқилади;

таянч ўқув режалари таълим муассасаларининг ишчи-ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

### **Ўқув режалари**

Олий ўқув юртларининг бакалавриат йўналишида ўқишнинг меъёрий муддати 4 йил.

Назарий ўқиш 136 ҳафта.

Назарий ўқиш  $136 \times 54 = 7\,344$  соат.

Бир йилда 2 семестр ўқилади, ҳар икки семестр ҳам 20 ҳафталик.

Аттестация 13–19 ҳафтагача.

Амалиёт ўтиш 12–24 ҳафтагача.

Таътил 27–36 ҳафтагача (битиргандан сўнгги 4 ҳафтани ҳам қўшиб).

Битирав малакавий ишига 5 ҳафтагача вақт ажратилади, ҳаммаси бўлиб бакалавриат йўналишида ўқитган талабага 1 курсга қабул қилиниб, институтга қадам қўйганидан бошлаб, битириб кетгунча белгиланган муддат 204 ҳафтани ташкил қилади. Ўрганиладиган таълим фанларининг таркиби қуйидаги блокларга бўлинган бўлиб:

**I блок.** Гуманитар ва ижтимоий-фармацевтика фанлар: 1689 соат ёки умумий белгиланган вақтнинг 25 %ини ташкил қилади.

**II блок.** Математика ва табиий фанлар: таълим йўналишига кўра 700 соатдан 1 836 соатгача бўлиб, тахминан 9 %дан 25 %ини ташкил этади.

**III блок.** Умум мутахассислик фанлари таълим йўналишига кўра умумий ажратилган вақтни 50 %гача этади.

**IV блок.** Махсус мутахассислик фанлари – 10 % гача.

**V блок.** Махсус факултетатив фанлар 5 % гача этади.

т/р	Фанлар	Соатлар	Умумий юкламага
11	Гуманитар ва ижтимоий-фармацевтика фанлар	1836	25,0
22	Математик ва табиий фанлар	906	10,7
33	Умумкасбий фанлар	3418	48,2
44	Ихтисослик фанлари	734	10,0
55	Қўшимча фанлар	450	6,1
	Жами:	7344	100

Олий ўқув юртлари ўқув режаси модели ўқув юкласининг максимал даражаси аудитория ва аудиториядан ташқари ишлар билан биргаликда ҳафтасига 54 соат белгиланган. Аудитория машғулотларининг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат.

Академик эркинлик ва талабаларни ўз устида ишлашга ўргатиш олий ўқув юрти фаолиятининг асосини ташкил этади. Тенденция шундайки, назарий курс таълимга ажратилган вақтнинг 15 % атрофида. Қолган вақтлар, семинар илмий фаолият, мустақил ишларни бажариш, талабаларни ўз устида ишлаши кабилардан ташкил топади. Олий ўқув юртида, айниқса, талабаларни ўз устида мустақил ишлашига алоҳида диққат қаратилади.

**Технологик харита** Олий ўқув юртлари ўқув режаси модели маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда технологик операциялар кетма-кетлигини ёритувчи техник ҳужжат.

Технологик операциялар эса ишчи томонидан ўзининг иш ўрнида бажариладиган якунига етказилган ҳаракат кўринишидаги технологик жараённинг бир қисми.

Технологик харитада ана шу операциялар ва уларни қандай кетма-кетликда қандай бажарилиши кўрсатилади. Худди маҳсулот ишлаб чиқаришда бўлганидек ўқув юртларининг «маҳсулоти» кўзда тутилган билим ва кўникмаларга эга бўлган ёшлардир. Харитада ана шу жараён, унда бажариладиган «операция»лар кетма-кетлиги, муддати кўрсатилади.

Тузилган технологик харита кафедра мажлисида тасдиқланади ҳамда мажлис баённомаси тартиб рақами қўйилиб, кафедра мудири, факультет декани, ўқув бўлими бошлиғи томонидан имзоланади. Харита 2 нусхада тузилади. Нусхаларни кафедра ва ўқув бўлимида сақланади.

Хаританинг аслидан олинган нусха фан бўйича дарс берувчи ўқитувчи кўлида бўлиб, режада белгиланган дарс ва мустақил ишларни ҳақиқатда бажарилиши билан кузатиб, назорат қилиб борилади.

Технологик харита ўқув дастури асосида ўтиладиган фанлардан ташқари ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс бўйича ҳам ишлаб чиқилади.

Дарс жараёнини режалаштириш ва ташкил қилишда календар режа ҳам муҳим ўрин тутди. Календар режа, одатда, ўқув дастури, ўқув технологик харита ва дарс жадвали асосида тузилади.

Ўқув дастури бўйича ўрганиладиган фандан календарь режа, ҳар бир ўқитувчи томонидан ҳар бир академ гуруҳ учун тузилиб, унда мавзулар бўйича ажратилган соат ва уни маъруза, амалий, семинар машғулоти, мустақил ишлар бўйича тақсимланиши бўйича режа бўйича ўтиладиган сана ва соати, ҳақиқатда бажарилиши кўрсатилади.

Календар режа орқали ҳар бир мавзунини белгиланган муддат ва ажратилган соат бўйича дарс ўтишни назорат қилиш амалга оширилади.

**Махсус фанларни ўқитиш мазмунини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар**

Дарсинг таркибий қисми – дарсда керак бўладиган меъёрий ҳужжатлар. Уларга наъмунавий дастур, ишчи дастур, ўқув режаси, тақвимий режа, дарслик, ўқув-методик кўлланмалар, маърузанинг матни ёки дарс лойихаси ва бошқа дидактик материаллар киради. Буларнинг ҳаммаси дидактика тамойилларига асосан тузилган бўлиб, ўзаро бир бирига тушиши шарт.

Дарс беришнинг мазмуни шу фанда мужассамлашган обектив реаллик билан аниқланади. Методика, услубият фаннинг ўқув жараёнидаги ҳаракати, ривожланиш шаклидир. Фан билан уни ўқитиш ўртасидаги фарқ шундаки, фан бевосита обектив реаллик бўлиб, унинг ривожланиш қонунларини ифодалаш билан бирга, ўқув предмети сифатида ана шу жараёни бевосита тасвирлайди. Умуман олганда, ўқитиш, илм бериш объектив дунёни билишни, шу фан эришган ютуқлар даражасига кўтаради. Фан доимо ривожланиб янги кашфиётлар, билимлар билан бойиб боради. Ўз навбатида, талабаларга билим бериш жараёнида улар онгига ушбу кашфиётлар сингдириб борилади.

**Фанлар бўйича тузилган наъмунавий ва ишчи дастурлар**

Фанни ўрганиш учун режалаштирилган мавзулар таълим стандартларидан келиб чиққан ҳолда, қўйилган мақсадга кўра ўқув дастурида ўз ифодасини топади.

Ўқув дастури фанни ўрганиш бўйича ҳужжат ҳисобланиб, бўлажак мутахассисга қўйилган талабларга мос ҳолда таълим мазмунини ва уни ўқувчи, талабалар томонидан ўзлаштиришни ташкил этиш усулларини акс эттиради.

Ўқув дастурлари алоҳида ўқув пиедметлари бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни ва ҳажмини, уларни ўрганиш кетма-кетлигини белгилайди.

Ҳар бир мавзу бўйича фан учун ажратилган соатдан келиб чиққан ҳолда, мавзунинг мазмунини ўзлаштириш учун унинг хусусиятларини, мавзуни мураккаблиги, ўзлаштириш зарур бўлган масалалар, қўйилган муаммо ва бошқаларни ҳисобга олиб, ўқув жараёнини ташкилий шакллари бўйича вақт ажратилади.

Ҳар бир мавзу ўрганиладиган фаннинг шу мавзу доирасидаги қисқача мазмунини ифодалайди.

Дастур фаннинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда тармоқ стандартларига мувофиқ равишда шу фан ўқувчи-талабаларда қандай билим ва кўникмаларни шакллантирилиши зарурлигидан келиб чиққан ҳолда тайёрланади. ўқув дастури намунавий ва ишчи ўқув дастуридан иборат бўлиб, ишчи ўқув дастури намунавий дастур асосида тузилади.

### **Ишчи дастурлари қўйидаги талабларга жавоб бериши зарур:**

Дастур аниқ қоидага асосланган бўлиши керак. Жамият тараққиётининг тамойилларига асосланган ҳолда ўқув дастурини ишлаб чиқиш методикасига мувофиқ бўлиши зарур. Ўқув дастури ишлаб чиқишга қўйиладиган талабларга жавоб бериши, унга мувофиқ ўқув дастури таркибини белгилаш лозим.

**Илмийлик принципига асосланиши.** Дастур илмий жиҳатдан текширилган, ишончли далиллар, кузатишлар, манбалар ва материаллар асосида тузилади.

Ўқув дастурлари ишлаб чиқишда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида Республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, бакалаврият, магистратура) ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, фанларда мавзулар кетма-кетлигига, оддийдан мураккабга, хусусийдан умумийликка ўтиб боришга, таълим турлари бўйича мавзулар такрорланмаслигига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Дастур фан, техника, технологиянинг сўнгги ютуқлари, таълим тизимининг ривожланиши, жаҳон тенденциясини ҳисобга олиши зарур.

**Тарихийлик ва замонавийлик.** Дастурда фан ривожланишининг хусусиятлари, ҳисса қўшган олимлар, тарихий шахслар фаолияти ҳам акс эттирилиши, ҳозирги ривожланиши даражасига мувофиқ билим беришни кўзлаган бўлиши зарур.

**Гуманитаризм ва миллийлик.** Дастур инсонпарварлик, халқпарварлик, эзгулик ғояларини устун қўйиб, миллий ғурур, миллий қадриятларни ҳисобга олиш, уларга амал қилишни тартиб қилиш, мамлакатнинг ривожланишини илмий асосланган ҳолда баён қилишни кўзда тутиши керак.

**Изчиллик ва назария билан амалиёт бирлигини таъминлаш.** Дастур аниқ мазмун ва мантиқий қоидаларни ўзида акс эттириши, умумий ўрта таълим ва

олий таълимга тааллуқли мутаносиб фан дастурлари билан мувофиқлаштириш, қўйилган мавзуларнинг мантиқий изчиллигини таъминлаш, фанни ҳаёт билан, назарияни амалиёт билан узвий боғлайдиган услубиётга риоя қилиши зарур.

**Халқаро стандарт ва рақобатбардошлик.** Ривожланган хорижий давлатларда ўрганилаётган ана шу фан бўйича амалда бўлган ўқув дастурлари билан таққослаш, мунозара қилиш, тажриба алмашиш асосида, ривожланаётган мамлакатларга нисбатан илғорликни таъминлашга қаратилиши зарур.

#### **Дастурда фаннинг номи.**

Моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда давлат таълим стандартларига, меҳнат бозори талабига мувофиқ равишда фанни ўқитишдан асосий мақсад, шу фан ўқувчи, талабаларда қандай билим ва кўникма шакллантириши кўрсатилади.

Янги фан дастурларини ишчи гуруҳ, томонидан тайёрланган, тавсиявий характерга эга бўлган “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фан дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартиби” асосида ишлаб чиқилиши лозим.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фан дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тартибининг умумий қоидаларида қуйидагилар белгиланган.

1. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фан дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш Тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги ПҚ – 1533-сонли қарори, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343-сон, “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг давлат таълим стандартлари асосида фан дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш Тартиби асосида ишлаб чиқилган фан дастурлари республика олий таълим муассасалари учун меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланиб, фанлар бўйича ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштиришда намунавий фан дастурлари сифатида қўлланилади ҳамда тегишли фан бўйича таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қуйиладиган талабларни белгилайди.

3. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига тегишли ўзгартиришлар киритилиши ёки бошқа сабабларга кўра давлат таълим

стандартлари ва ўқув режалари қайта тасдиқданганда ўамда таянч ёки турдош олий таълим муассасалари томонидан киритилган таклифлар асосида фан дастурлари қайта ишлаб чиқилади ва тасдиқа киритилади,

II. Фан дастурининг мақсади ва вазифаси.

4. Фан дастурининг асосий мақсадн – давлат таълим стандартлари ва малака талабларида бакалавр ва магистрнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ ўқув режага киритилган муайян фан томонидан меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассисларни сифатли тайёрлаш учун шакллантирилиши зарур бўлган компетенциялар, билим, кўникма ва малакалар мажмуини белгилаш, фан мазмуни ва таркибий қисмларини тартибга солиш.

5. Фан дастурининг асосий вазифалари:

–фанга оид ўқув материаллар мазмуни ва тузилмасини мақбул ҳолатга келтириш ва оптималлаштириш, ўқув машғулотлар мавзуларининг мантиқий кетма-кетлигини ҳамда бошқа фанлар билан мазмун ва мантиқий боғлиқлигини таъминлаш;

–узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизлигини, шунингдек, фаннинг мазмун ва мавзулари бошқа таълим турларидаги ҳамда турдош йўналишлардаги фанларнинг мазмун ва мавзулари билан такрорланмаслигини таъминлаш;

фанга оид жаҳондаги илм-фан, техника, технологияларнинг сўнгги ютуқларини, илғор хорижий тажрибаларни кенг ёритиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда фан мавзуларини шакллантириш;

таълим шакли ва ўқув фанга ажратилган вақтга мувофиқ ўқув материалларни мавзулар ва ўқув машғулотлар турлари бўйича тақсимлаш;

фанни ўзлаштириш, талабаларда фанга оид компетенцияларни, касбий билим ва кўникмаларни шакллантириш учун зарур ўқув-услубий шартлар, ўқув адабиётлар ва дидактик материалларни белгилаш;

–баҳолаш воситалари ёрдамида талабалар билимини назорат қилиш шакллариини белгилаш.

6. Фан дастури унинг асосий мақсади ва вазифаларига тўлиқ амал қилинган ҳолда ишлаб чиқилиши талаб этилади.

**Фан дастурларининг мазмуни ва таркиби**

1. Фан дастури таълим жараёнининг муҳим меъёрий-услубий ҳужжати бўлиб, унда ўқув материаллар маъруза, семинар, коллоквиум, амалий ва лаборатория машғулотлари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари шаклида мантиқий кетма-кетликда жорий этилиши, фанни ўқитишда зарур ҳолларда курс лойиҳаси, курс иши, мустақил иш, чизма-ҳисоб, ижодий, лаборатория ва бошқа ишлар уларга ажратилган вақт

меъёрларига мослигини таъминлаган ҳолда қўлланилиши кўзда тутилади.

8. Фан дастури қўйидаги таркибий қисмлардан иборатдир:

–фан дастурининг титул варағи ва унинг сирт тарафидаги маълумотлар;

–ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълим дастуридаги ўрни;

–ўқув фанининг мақсади ва вазифаси;

–асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари);

–амалиёт, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича кўрсатма ва тавсиялар;

мустақил таълим ва мустақил ишлар;

ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари;

асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари.

9. Фан дастурининг титул варағида вазирлик номи, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиш, мутахассисликларнинг шифри ва номлари, ҳаракатдаги уқув режага мувофиқ фаннинг тўлиқ номи, рўйхатга олинган ва тасдиқланган саналари ва белгилари кўрсатилади.

10. Фан дастури титул варағининг сиртқи тарафида уни тасдиқлаган вазирлик буйруғи, маъқуллаган Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг баёни рақами ва саналари, фан дастурини ишлаб чиқган олий таълим муассасаси номи, тузувчилар исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, тақризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, фан дастури кўриб чиқилган олий таълим муассасаси кенгаши баёнининг рақами ва санаси келтирилади.

11. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълим дастуридаги ўрни. Тегишли йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланишида ўқув фанининг долзарблиги ва аҳамияти, касбий фаолиятдаги ўрни ва ишлатилиши, мутахассис учун муҳимлиги аниқ ва лўнда ёритилади.

Фан ўқув режанинг қайси блокига тааллуқлилиги, у нечанчи курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқлиги, уни ўқитиш учун қайси фанлар назарий замин бўлиб хизмат қилиши ҳамда фаннинг ўзи қайси фанлар учун назарий, илмий замин бўлиб хизмат қилиши кўрсатилади. Шунингдек, фанни ўзлаштириш учун талаба қандай билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши ҳамда ўқув фани тайёрлов йўналишининг бошқа қисмлари билан мантиқий ва мазмуний боғлиқлиги қисқа баён қилинади. Ушбу қисм ҳажми 120 сўздан ортмаслиги тавсия этилади.

12. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси. Ўқув фанини ўқитишдан мақсад ва унинг асосий вазифалари тегишли йўналиш бўйича мутахассис тайёрлаш вазифаларига боғланган ҳолда баён этилади. Мақсадлар ифодаланишида

кутилаётган натижалар кўрсатилиши лозим, бунда “шакллантиради”, “замин яратади” каби иборалар ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Белгиланган мақсадларга эришишга қаратилган ўқув фанининг вазифалари ифодаланади. Булар фанни ўқитишда мақсадга эришиш усуллари ва йўлларини баён қилиши лозим, бунда “ўзлаштириш”, “кўникмаларга эга бўлиш” каби иборалар ишлатилиши ўринлидир.

Шунингдек, мазкур қисмда таълим йўналиши бўйича талабалар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар доирасида ушбу фан бўйича талабалар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар баён қилинади. Ушбу қисм ҳажми 120 та сўздан ортмаслиги тавсия этилади.

13. Асосий назарий қисм, маъруза машғулоти. Ўқув фанининг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Асосий назарий қисм модуллар шаклида берилиши мумкин. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва қисқа ифодалар орқали очиқ берилди. Бунда мавзу бўйича талабаларга давлат таълим стандарта ва малака талаблари асосида етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар қамраб олиниши лозим. Фаннинг мазмун ва мавзулари бошқа таълим турларидаги ҳамда турдош йўналишлардаги фанларнинг мазмун ва мавзулари билан такрорланмаслигини қатъий назорат қилиш талаб этилади.

Шунингдек, мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, соҳага оид жаҳон тажрибалари, фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари қатъий эътиборга олиниши зарур. Асосий назарий қисм оддий матн шаклида қисқа ва аниқ тарзда, мавзу ва модуллар номлари қвалинлаштирилган шрифт билан ажратилган кўринишда, ҳажми ўқув режада ажратилган вақт ҳажмига мос равишда берилиши тавсия этилади.

14. Амалий, семинар ва лаборатория машғулоти бўйича кўрсатма ва тавсиялар. Ўқув фанининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равишда амалий, семинар ва лаборатория машғулотларининг мавзулари келтирилади. Ушбу машғулотларни ўтказиш шакллари, унда қўлланиши тавсия этиладиган технологиялар, зарур ҳолларда муҳокама этиладиган мавзулар, масалалар вариантлари, “кейе”лар, фаол ва интерактив усуллар ишлатилиши, лаборатория ишларининг мазмуни, мақсади, ишлатиладиган жиҳозлар ва ашёлар рўйхати ҳамда фан моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар ёритилиши лозим. Мазкур қисм ҳажми ўқув фанининг моҳияти ва унга киритиладиган зарурий маълумотлар ҳажмига боғлиқдир.

15. Мустақил таълим ва мустақил ишлар. Мустақил таълим – профессор-ўқитувчилар томонидан аудиторияда талабаларга етказиладиган мавзулардан ташқари ўқув фанининг мазмунига кирувчи ва алоқадор мавзулар, масалалар, ахборотларни мустақил ўрганиш ва ўзлаштиришга қаратилган муҳим таълим жараёнидир. Талаба мустақил таълимнинг асосий мақсади – аудиториядан

ташқари вақтда ўқитувчининг бевосита ва билвосита раҳбарлиги ҳамда назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборатдир.

Мазкур қисмда мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ишга мўлжалланган мавзулар ва топириқлар келтирилади. Мустақил машғулотлар жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли (реферат, эссе, мустақил (ижодий) иш, муаммоли маъруза ва бошқалар) кўрсатилади.

Шунингдек, талабаларнинг мустақил ишлари туркумига кирувчи курс лойихаси, курс иши, чизма-ҳисоб, иждодий ва бошқа ишларининг мавзу ва мазмуни, бажариш бўйича қисқа услубий кўрсатмалар келтирилади. Мазкур мустақил ишларнинг кенгайтирилган мавзулари ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар тегишли кафедралар томонидан алоҳида услубий кўрсатма кўринишида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур қисм хажми ўқув фанининг моҳияти ва унга киритиладиган зарурий маълумотлар хажмига боғлиқдир.

16. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари. Ўқув режада ўқув фани бўйича ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти кўзда тутилган ҳолда фан дастурининг ушбу қисми ёритилади. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини мақсади ва моҳияти, шакли ва мазмуни, амалиёт жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли юзасидан қисқа услубий кўрсатмалар берилади. Бунда ўқув фанининг моҳияти, касбий таълим дастуридаги ўрни, тегишли йўналиш ва мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос тарафлари, тегишли йўналишга оид жаҳондаги илғор тажрибалар, замонавий техника ва технологиялар ҳисобга олиниши зарур.

Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларини ўтказиш бўйича кенгайтирилган услубий кўрсатмалар тегишли кафедралар томонидан алоҳида услубий қўлланма кўринишида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур қисм хажми ўқув фанининг моҳияти ва унга киритиладиган зарурий маълумотлар хажмига боғлиқ, бўлиб, 80 та сўздан ортмаслиги тавсия этилади.

17. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари. Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхатини келтиришда замонавий хорижий ва маҳаллий адабиётлардан, Интернет, турли ахборот коммуникация ресурсларидан, ҳимоя қилинган диссертациялар, монография ҳамда бошқа ўқув, илмий ва услубий маълумотлар манбаларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

#### IV. Фан дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби

18. Фан дастурлари бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларига киритилган ҳар бир фан бўйича

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги белгилаган таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилади.

19. Фан дастурларини ишлаб чиқиш учун таянч олий таълим муассасасининг етакчи профессор-ўқитувчилари таркибидан муаллифлар, муаллифлар гуруҳи белгиланади. Муаллифлар гуруҳига турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳам киритилиши мумкин. Муаллифлар гуруҳлари тармоқ илмий тадқиқот муассасалари, тегишли соҳанинг ишлаб чиқариш корхона, ташкилот ва муассасаларининг етук мутахассислари билан яқин ҳамкорлик асосида фан дастури лойиҳасини ишлаб чиқади.

20. Фан дастурларининг давлат таълим стандартлари, малака талаблари ва мазкур Тартибга мос ҳолда ишлаб чиқилишига тегишли таянч олий таълим муассасаси масъулдир.

21. Фан дастури ишлаб чиқилишида мамлакат иқтисодиёти реал сектори ривожланиши тенденцияларини, жаҳондаги илм-фан, техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларини ҳисобга олиш, таълим жараёнини оптималлаштириш, замонавий педагогик ва ахборот технологиялар, фанни талабалар томонидан самарали ўзлаштиришига хизмат қиладиган бошқа воситаларни кенг қўллаш, “оддийдан мураккабга”, “хусусийдан умумийга” каби тамойилларга амал қилиш зарурдир.

22. Фан дастурларига ўқув жараёни учун зарур техник воситалар, ахборот-ресурс марказидаги тегишли ўқув адабиётлар, дидактик материаллар, ўқув ва илмий жиҳозлар, ашёлар ва бошқа моддий-техник воситалар тўғрисида маълумотлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

23. Фан дастурининг матни А-4 форматли стандарт варақларда, Times New Roman шрифтининг 14-ўлчамида, 1,15 интервалда, чап ва унғ томонидан – 20, пастидан – 25, юқоридан – 20 мм ўлчамида ҳошияланган ҳолатда бостириб чиқарилади. Бетларни рақамлаш пастки қисмининг марказида жойлаштирилади.

24. Фан дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади;

— Вазирлик топшириғига мувофиқ таянч олий таълим муассасаси томонидан фан дастурининг лойиҳаси тайёрланади;

–тайёрланган фан дастурининг лойиҳасига фаннинг етук мутахассислари, таълим йўналиши бўйича турдош олий таълим муассасалари, тегишли соҳа корхона, ташкилот ва муассасаларининг тақризлари олинади;

–таянч олий таълим муассасасининг Кенгашида фан дастурининг лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинади ва тасдиқлашга тавсия этилиши тўғрисида Кенгаш баёни расмийлаштирилади;

–фан дастурининг лойиҳаси экспертизадан ўтказиш учун таянч олий таълим муассасаси ректорининг хати билан Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини

ривожлантириш марказига киритилади. Киритилаётган ҳужжатларга тақризлар, таянч олий таълим муассасаси Кенгашининг баёни илова қилинади;

–Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази таянч олий таълим муассасалари томонидан киритилган фан дастурларининг лойиҳаларини таълим соҳалари ва йўналишларига мувофиқ жамлаб Ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларга тақдим этади;

Ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялар фан дастурларининг лойиҳаларини давлат таълим стандартларига, малака талабларига, ўқув режаларга, мазкур тартиб талабларига мослиги ҳамда талабаларга мукамал замонавий билим, кўникма ва малакаларни беришга хизмат қилиши юзасидан белгиланган тартибда батафсил экспертизадан ўтказиши ва ҳар бири бўйича асосланган хулоса беради;

Ўқув-услубий бирлашма ва комиссияларнинг фан дастурлари лойиҳалари юзасидан берган хулосалари Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида муҳокама қилинади. Муҳокама натижасида ижобий деб топилган фан дастурлари Вазирлик томонидан тасдиқланишига тавсия берилади, салбий баҳланган фан дастурлари эса қайта ишлашга таянч олий таълим муассасаларига юборилади;

–Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси қарорига мувофиқ фан дастурларининг лойиҳалари Вазирлик буйруғи билан тасдиқланади;

тасдиқланган фан дастурлари белгиланган тартибда расмийлаштирилади, уларнинг бир нусхаси Вазирликда (эталон сифатида), бир нусхаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказида, бир нусхаси тегишли таянч олий таълим муассасасида сақланади.

25. Тасдиқланган ва рўйхатга олинган фан дастурларининг электрон версиялари ёки кўчирма нусхалари тааллуқлиги бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан барча олий таълим муассасаларига етказилади.

26. Ўқув-услубий бирлашма ва комиссиялар томонидан фан дастурлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва муҳокама этиш тартиби Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан белгиланади.

### **Ишчи фан дастури**

27. Таълим жараёнини бевосита жойларда мақсадли ташкил қилиш ва машғулотларни тизимли тартибга солиш мақсадида фан дастури асосида фаннинг ишчи ўқув дастури ишлаб чиқилади.

28. Ишчи фан дастурлари олий таълим муассасалари томонидан ҳар бир ўқув йили учун ишлаб чиқилади ва олий таълим муассасасининг Кенгаши қарори билан тасдиқланади.

Ишчи фан дастури куйидаги таркибий қисмлардан иборат:

–фан дастурининг титул варағи ва унинг сирт тарафидаги маълумотлар;

–ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар;

маъруза машғулотлари;

амалиёт, семинар ва лаборатория машғулотлари;

мустақил таълим ва мустақил ишлар;

ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари;

фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари;

асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар, қўшимча адабиётлар ва бошқа ахборот манбаалари рўйхати.

30.Ишчи фан дастурининг титул варағида вазирлик номи, олий таълим муассасаси номи, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ тегишли таълим соҳаси, таълим йўналиши, мутахассисликларининг шифри ва номлари, ўқув режага мувофиқ фаннинг тўлик номи, тасдиқланган санаси ва белгилари, мухр, фанга ажратилган умумий ҳамда семестрлар ва машғулотлар кесимида соатлар ҳажми кўрсатилади.

31.Ишчи фан дастури титул варағининг сиртқи тарафида унга асос бўлган фан дастури тасдиқланган вазирлик буйруғи, уни тасдиқлаган Олий таълим муассасаси Кенгаши баёнининг сони ва санаси, ишчи фан дастурининг тузувчилари исми, фамилияси, лавозими, илмий даража ва унвонлари, тақризчилар исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, илмий даража ва унвонлари, олий таълим муассасасининг тегишли факультета декани ва кафедра мудирининг имзолари ўз аксини топиши лозим.

32.Ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар. Фан дастуридаги асосий масалалар, фанни ўқитиш билан боғлиқ услубий кўрсатмалар қисқа берилади.

33. Маъруза машғулотлари. Ўқув фанининг мавзулари фан дастурига катъий амал қилган ҳолда мантиқий кетма-кетликда оддий жадвал шаклида келтирилади. Ҳар бир мавзу кетма-кет рақамланади ва унга ажратилган соат кўрсатилади, Жадвал тагидаги охириги катакда маърузаларга ажратилган умумий соатлар ҳажми кўрсатилади, ушбу рақам ўқув режадаги билан тўлиқ мос келиши шарт.

34. Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари. Ўқув режа, фан дастури, ўқув фанининг моҳияти ва назарий мавзуларига мос равишда амалий, семинар, коллоквиум, лаборатория ва бошқа машғулотлар оддий жадвал шаклида келтирилади. Ҳар бир мавзу кетма-кет рақамланади ва унга ажратилган соат кўрсатилади. Жадвал тагидаги охириги катакда ушбу машғулотларга ажратилган умумий соатлар ҳажми кўрсатилади, мазкур рақам ўқув режадаги билан тўлиқ мос

келиши шарт. Ишчи фан дастурининг ушбу қисмида фақат ўқув режа ва фан дастурида кўзда тутилган машғулотлар тури қайд этилади.

Шунингдек, амалий машғулотларда ишлатиладиган жиҳозлар, ахборот ва педагогик технологиялар, муҳокама этиладиган мавзулар, масалалар вариантлари, “кейс”лар, фаол ва интерфаол усуллар, лаборатория ишларининг мақсади, мазмуни, ишлатиладиган лаборатория асбоб-ускуналари, жиҳозлари ва ашёлар рўйхати, машғулотлар бўйича талабаларнинг якуний ишлари, ҳисобот турлари ҳамда фан моҳиятидан келиб чиқадиган бошқа маълумотлар аниқ ёритилиши шарт.

35. Мустақил таълим ва мустақил ишлар. Мазкур қисмда мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни, мустақил ўзлаштиришга мўлжалланган мавзулар ва топшириқлар келтирилади. Ҳар бир мавзу кетма-кет рақамланади ва унга ажратилган соат кўрсатилади. Жадвал тагидаги охириги катакда ушбу машғулотларга ажратилган умумий соатлар ҳажми кўрсатилади, мазкур рақам ўқув режадаги билан тўлиқ мос тушиши шарт. Мустақил машғулотлар жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли, реферат, эссе, мустақил, ижодий иш, муаммоли маъруза ва бошқалар ва уни топшириш, ҳимоя қилиш тартиби аниқ кўрсатилади.

Шунингдек, ўқув режа ва фан дастурига мувофиқ курс лойиҳаси, курс иши, чизма-ҳисоб, ижодий ва бошқа мустақил ишларининг мавзу ва мазмуни, бажариш бўйича зарур услубий кўрсатмалар, расмийлаштириш, топшириш шакли ва тартиби келтирилади.

36. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари. Ўқув режа ва фан дастурида кузда тутилган ҳолда ишчи фан дастурининг ушбу қисми ёритилади. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларининг мақсади ва вазифаси, шакли ва мазмуни, у қаерда ва қандай тартибда ўтилиши, амалиёт жараёнида талабалар томонидан тайёрланиши зарур бўлган якуний ишлар шакли юзасидан зарурий услубий кўрсатмалар берилади.

37. Фан бўйича талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш мезонлари, Ўқув фанининг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиқиб машғулотлар жараёни ва якунида талабалар билимини баҳолаш мезонлари ва назорат тартиби кўрсатилади. Баҳолаш мезонлари фан дастурида белгиланган ушбу фан бўйича талабалар эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар асосида ишлаб чиқилади. Талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш тартибига талабалар томонидан бажариладиган мустақил ишлар ва вазифалар баҳоланиши тартиби ҳам киритилиши лозим.

38. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари. Фан дастурига мувофиқ фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхати ва ахборот манбаалари берилади. Кўрсатилган

ўқув адабиётлар олий таълим муассасасининг ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлиши шарт.

39. Ишчи фан дастурининг матни фан дастури матнига қўйилган талабларга мувофиқ босиб чиқарилади.

#### VI. Якуний қисм

40. Фан дастури ва ишчи фан дастурини расмийлаштириш, тарқатиш ва сақлаш учун А5 форматидаги “китобча” шаклида бостириб чиқариш лозим.

41. Фан дастури ва ишчи фан дастури илмий-услубий ва ўқув-услубий иш мақомига эга бўлиб, унинг тузувчилари муаллифлик ҳуқуқига эга.

42. Тартибга ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш Вазирликнинг буйруғи асосида амалга оширилади.

**Фан дастури** фанни ўрганишдан қўйилган мақсад, фаннинг асосий мазмуни, бажарадиган вазифаларини ифодалайди. Намунавий ўқув дастури таркибий жиҳатдан ўз ичига кириш, асосий қисм, маъруза, семинар, тажриба дарслари ва мустақил иш учун кўрсатмалар, курс ишлари бўйича кўрсатмалар, тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини олади.

Намунавий дастур давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритилган тақдирда ёки ўзга ҳолларда 3 йилда бир марта қайта ишлаб чиқилиши ва қабул қилинган тартибга асосан қайта экспертиза ва тасдиқдан ўтиши зарур.

Намунавий ўқув дастури тасдиқланган ва рўйхатга олинган кундан бошлаб амалга киритилади.

Намунавий дастур асосида ишчи ўқув дастури ишлаб чиқилади.

Ишчи ўқув дастурида намунавий дастурдан фарқли равишда фан бўйича мавзулар режаси қисмида мавзулар номи, ажратилган жами соатлар, дарс ўтиш, машғулот турлари, маъруза, назарий, семинар, амалий машғулот, мустақил ишга ажратилган соатлар жадвал тарзида келтирилади.

Маъруза машғулотлари ҳамда семинар машғулотлари мавзуларида ҳар бир мавзуда ўрганилиши зарур бўлган мавзунинг ўқув мақсадидан келиб чиқиб, қисқача мазмуни берилади. Мавзуни ўрганиш ва ўзлаштириш учун зарур бўлган адабиётлар рўйхати рақамларда ифодаланади.

Шу фанни ўқитиш бўйича лозим бўлган ўқув воситалари, кўргазмали намоиш материаллари, ўқув фильмлари ва бошқа дидактик материаллар рўйхати келтирилади.

Дастурнинг «ўзлаштиришни назорат қилиш» қисмида, фанни ўзлаштириш бўйича баҳолаш методлари ва шакллари кўрсатилади.

«Фойдаланилган адабиётлар» қисмида ўқувчи-талабалар томонидан фанни ўрганиш ва ўзлаштириш учун лозим бўлган адабиётлар рўйхати берилади.

Ишчи ўқув дастурига мувофиқ равишда машғулоти, семинар дарслари, режаси, мустақил ишлар ва ўқув комплекси таркибига кирувчи бошқа ишлар ишлаб чиқилади.

Фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича қўйилган мақсад, мавзунинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда дарс ўтиш методини ўқитувчининг ўзи танлайди. Шундай қилиб, ҳар бир фан бўйича ўқув-услубий мажмуа ишлаб чиқилади.

Фаннинг хусусиятлари ва қўйилган мақсаддан, мутахассисларни тайёрлашда фаннинг тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда мазкур рўйхат қисқариши ёки қўшимчалар қўшилиши мумкин.

Масалан, битирув малакавий иш мавзулари фақат мутахассислик фанлари бўйича қўшилади. ўқув-услубий мажмуа албатта фанни ўрганишдан қўйилган асосий ва қўшимча мақсадларни тўла амалга оширилишига катта ёрдам беради.

**Махсус фан ўқитувчисининг ўқув-услубий фаолияти, методик ишлари, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси**

«Метод» атамаси юнонча «методос – тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълим» сўзидан келиб чиққан бўлиб – тадқиқот йўли, ҳақиқатга интилиш, билиш, ҳаракат қилиш йўллари, кутилаётган натижага эришиш усули маъносини англатади. Метод деганда воқеликни амалий ёки назарий ўзлаштириш усуллари тушунилади. Фаолиятнинг турли жабҳаларини ўрганишни қамраб олгани ҳолда илмий билиш ва унинг усуллари методиканинг асосий йўналишидир. Унда таълим ва тарбия бериш усуллари асосий ўринда туради. Метод – ўқитувчи билан ўқувчи талабаларнинг таълим-тарбиядан қўйилган мақсадга эришишга қаратилган тартибга солинган, тизимлаштирилган фаолиятдир.

Метод ниҳоятда серқирра бўлиб, жуда кўп компонентларни жамлайди. Унинг қирраларига, таълим-тарбиянинг мақсади, ўқитувчи танлаган мақсадга етиш усуллари; ўқитувчи билан ўқувчи талабаларнинг ҳамкорлик қилиш йўллари, таълим мақсадини аниқ ўқув материали мазмунида ифодалаш, таълим-тарбия жараёнининг, қонун, принциплари, мантиқи ахборотлар манбаси, ўқитувчининг маҳорати, таълим-тарбия жараёни қатнашчиларининг фаоллиги, ўқитиш воситалари ва усуллари тизими ва бошқаларни ёзиш мумкин. Шу боис методнинг мазмун моҳиятини соддалаштирилган вариантдаги таърифларда беришга тўғри келади.

Ўқитиш методларининг серқирралиги, мураккаб тузилишга эга. Унга турли жиҳатдан ёндашувларда ўз ифодасини топади, Метод жараённинг ўзаги, режалаштирилган якуний натижа билан боғловчидир. Педагогик амалиётда, анъанага ўқув тарбиявий мақсадларга эришиш учун қўлланилаётган, тартибга солинган фаолият усули **метод** деб тушунилади. Бунда ўқитувчининг ўқитиш фаолияти усуллари билан ўқувчининг ўқиш фаолиятининг усуллари бир-бирига боғлиқлиги таъкидланади.

Ўқитиш методи қуйидагича тавсифланади. Ўқитишнинг мақсади, ўзлаштириш усули, ўқув жараёни қатнашчилари, ўқитувчи ўқувчи, талабанинг ўзаро муносабати.

Таълим методлари бир томондан, обектив характерга эга бўлиб, қайси педагог қўллашидан қабтий назар, доимий амал қиладиган мустаҳкам қонун-қоидалар билан боғлиқ. Улар барча дидактик қоидалар, қонунларнинг талаби ҳамда мақсадларнинг доимий компонентлари, ўқув фаолиятининг мазмуни, шаклини ифодалайди. Иккинчи томондан, субъектив характерга эга бўлиб, у педагог шахси, ўқувчи-талабаларнинг ўзига хос томонлари, аниқ шароит билан белгиланади.

Методларнинг обектив ҳамда субъектив характери ҳақидаги фикрлар хилма-хилдир. Методларнинг обектив характерини бутунлай инкор қилиб, уни тўлиқ субъектив характерга эга, шунинг учун ҳам такрорланмасдир, у ҳар бир педагогнинг ижоди тарзида юзага чиқади, деган фикр билдирувчилардан тортиб, унинг тамомила акси бўлган, тўла обектив характерга эга дейдиганлар ҳам мавжуд. Ҳақиқат, одатда, барча фикрларнинг ўртасида тушунилади. Айнан ҳамма методлар учун доимо умумий бўлган обектив томони, дидактика назарияси, кўп ҳолатларда эса энг яхши бўлган амалиёт йўллари тавсия этилади.

Методларнинг обектив жиҳатларида барча дидактик қоидалар, қонунлар, тамойиллар, таърифлар, мазмун бутунлигининг доимий компонентлари, ўқув фаолиятининг шаклларига хос бўлган умумий томонлар акс этади. Методларнинг субъектив жиҳати педагог шахси, унинг маҳорати, таълим олувчиларнинг ўзига хослиги ва аниқ шароитга боғлиқ.

Дарс жараёни ҳар икки томон бир бутун бўлиб, бирлашган ҳолда ташкил этилади. Унинг амалий ифодаси қўйилган мақсадга кўра эришилган натижада ўз аксини топади. Методларнинг обектив жиҳатини дидактик принцип нуқтайи назаридан талқин этиш, унинг назариясини ишлаб чиқиш, амалиётда қўлланиши зарур бўлган энг яхши методларни тавсия этиш, мантиқий танлаш муаммоларини муваффақиятли ечиш имконини беради.

Методларни оптималлаштириш учун эса педагоглар маҳорати, ижодий ёндашиш зарур бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитиш методлари юқори даражадаги санъат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Шарқ мутафаккирлари ҳам билишнинг методларига катта эътибор билан қараганлар. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқитиш методларига алоҳида эътибор берган аллома Аристотелдан сўнг «иккинчи муаллим» деб ном қозонган Абу Наср Форобий ўқитиш методлари ҳақида таълим олувчиларга турли билимлар бериш билан бирга мустақил ҳолда билим олиш йўллари ҳам

кўрсатган. Билим олиш зарурлигига шак-шубҳасиз ишонтириш лозимлигини таъкидланган.

Ҳозирги терминлардан фойдаланиб, Шарқнинг қомусий алломаларининг ўқитиш методларини билишнинг умумий қонунларига мувофиқлигини аниқласа бўлади. Улар фойдаланган ўқитиш методларини бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Булар Ибн Сино қўллаган кўргазмали-тажриба методлари, Абу Райҳон Бераний, Ал Хоразмийнинг кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари, Форобий ва Ал Хоразмийнинг билимларни текшириш ва бошқалардир. Уларнинг ҳаммаси ўқувчи талабаларнинг фаолиятини кучайтириш, мантикий тафаккурини ривожлантириш мақсадини кўзлаган.

Маълумки, талим тарбияда методлар қатор функцияларни бажаради. Методлар ёрдамида қўйилган мақсад амалга оширилади. Ўқитувчи ўқувчи талабаларни билим олишга даъват қилади. Билишни фаоллаштиришнинг асосий, айрим пайтларда эса ягона стимулятори бўлиб хизмат қилади. Методлар ёрдамида ўқитувчи ўқув жараёнини кечиши ва натижасини диагностика қилади, зарур ўзгартиришлар киритади.

Педагог, психолог мутахассисларнинг таъкидлашларича, методлар ўқув-тарбия жараёнида қуйидаги функцияларни бажаради:

Таълим бериш:

Методлар ёрдамида таълимнинг мақсади амалга оширилади. Методлар ўқитувчи ва ўқувчиларнинг назарий ҳамда амалий билимини таълим олиш борасидаги вазифаларини бажаришга қаратади.

Камолотга бошлаш функцияси:

Ўқувчи, талабаларни фикрлаш доирасини, билим олиш, ақлий ривожланиш суратини тезлаштиришда, қизиқувчанлигини оширишда ўз ифодасини топади.

Тарбиялаш функцияси:

Ўқув материални ўрганиш, ўзлаштириш жараёнига мустақил қараш, фикрлаш, ирода хусусиятлари, ахлоқий, маънавий қарашларнинг шаклланишига олиб келади.

Билим олишга даъват этиш, истак, хоҳиш уйғотиш функцияси:

Методлар талабаларни билим олишга даъват қилувчи восита ҳисобланади. Асосий, гоҳида билишга қизиқтирувчи, истак, хоҳиш тўлдирувчи ягона стимулятор вазифасини бажаради.

Назорат функцияси:

Методлар ёрдамида ўқитувчи ўқувчи, талабаларнинг билимини назорат қилибгина қолмай, ўқув жараёни натижаларига кўра унга зарур ўзгартиришлар киритади.

Дарс жараёнидаги методлар қўллаш имкониятларига кўра қуйидаги сифатларни ўз ичига олади:

1. Билим бериш, идрок этиш, ўзлаштириш, эътиқодни таъминловчи методлар. Бу гуруҳга маъруза, талабаларнинг мустақил ишлари, мустақил таҳсил олиш бўйича ишлар, ишлаб чиқариш жараёҳларини кузатиш, маслаҳатлар, кўрсатмалар бериш, оммавий ахборот, дастурлаштирилган материалларни идрок этиш ва бошқалар киради.

Билимларни татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш, эътиқодни чуқурлаштириш методлари. Бу гуруҳга семинар, амалий, лаборатория машғулоти, назорат ишларини бажариш, дастурлаштирилган ўқитиш кабинетларидаги машғулоти, ишлаб чиқариш амалиёти киради.

Билимлар, эътиқодларни шакллантириш, талабаларнинг касбий тайёргарлигини аниқлаш методлари. Бу ўқув жараёнининг рейтинглари, коллоквиумлар, суҳбат ўтказиш, курс ва битирув малакавий ишлари, давлат аттестация натижаларини баҳолаш кабиларни ўз ичига олади.

Методларни ажратиб турувчи сифатларга биринчи гуруҳда билимни идрок қилиш ва ўзлаштириш, иккинчи гуруҳда татбиқ этиш ва мустаҳкамлаш, учинчи гуруҳда аттестация ва олинган билимлар даражасини аниқлаш киради.

Методларни фанларни ўрганишдаги, қўллашдаги қамровига кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин: умумий методлар, туркум фанларни ўрганишда қўлланиладиган ва хусусий методлар.

Дарс ўтишнинг умумий методлари барча фанларни ўрганишда қўлланилади. Масалан, савол-жавоб, суҳбат, тарқатма материаллардан фойдаланиш кабилар.

Айрим методларни эса маълум туркум фанларни ўқитишдагина қўллаш мумкин. Буларга масала ечиш, мунозара киради.

#### **Ўқитишнинг асосий қоидалари:**

тушунарлидан – тушунарсизга;

яқиндан – узоққа;

осондан – қийинга;

аниқдан – мавҳумга;

умумийдан – хусусийга, умумлаштирилгандан яккага;

хусусийдан – умумийга.

Ўқиш ва ўқитиш дидактик хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ. Дидактик хатти-ҳаракатларга ўқитувчининг дарсга тайёргарлик кўриши, уни ўтказиш ва баҳолаш фаолияти киради.

#### **Олий таълим тизимидаги ўқув адабиётлари, уларнинг турлари ва функциялари**

Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда таълим эквивалентлигини, турли таълим муассасалари дипломларини таққослаб, мамлакатимиз ишчи ва мутахассисларини халқаро меҳнат бозорида тўлиқ иштирок этишини таъминлайди.

Таълим хизматлари сифатига аниқ қатъий талабларни белгилаб қўйилиши кадрлар тайёрлаш сифатини оширади. Таълим муассасалари иши самарадорлигини назорат қилиш тизимини тартибга солади. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилингандан сўнг унинг талабларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998-йил 5-январда «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди ва шу қарор асосида «Давлат таълим стандартлари тўғрисида» ги Низом ишлаб чиқилди.

Низомнинг 1.1 бандида: Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» қонунининг 7-моддасида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ республикада идоравий бўйсунуш ва мулкчилик шаклларида қатъий назар, таълим муассасаларининг барча турлари учун мажбурий бўлган давлат таълим стандартлари (ДЦ) белгиланади.

ДЦда кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига нисбатан қўйиладиган талаблар, таълим олувчиларнинг тайёигарлик даражаси ҳамда таълим муассасаларини битирувчиларга нисбатан қўйиладиган малака талаблари, ўқув юкламасининг зарур ҳажмини, таълим муассасалари фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизмининг белгилаш қайд этилган.

**Ўқув адабиётлари** – бу ягона методология бўйича ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва унинг хусусиятларига кўра ўқитишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган таълим мазмуни ва ўзлаштириш жарёнини амалга оширишда қатнашувчи барча воситаларни ўз ичига олади.

**Ўқув адабиётларининг таркиби қуйидагиларни амалга оширишга қаратилган:**

таълимнинг мақсади, ўқитишдан мақсад нима? нима учун ўқитамиз?);

таълимнинг мазмуни, нимани ўқитамиз? Нимани ўргатамиз?;

таълим методлари, қандай қилиб ўқитамиз?;

таълим воситалари, нималар орқали, қандай воситалар орқали ўқитамиз?

Ўқув адабиётларининг компонентлари вазифаларни энг маъқул тарзда, яъни энг оптимал вариантини аниқлаш муаммоси мажмуанинг тузилишини танлаш билан узвий боғлиқ. Ўқув адабиётларининг тузилишига боғлиқ равишда унинг компонентлари, вазифалари ҳам ўзгариб боради.

**Ҳозирги пайтда ўқув адабиётлари таркиби:**

Фан бўйича намунавий дастур.

Фан бўйича ишчи ўқув дастури.

Технологик харита.

Дарс ўтиш календарь режаси.

Амалий машғулот ва семинар дарслари режаси.

Маърузалар матни.

Асосий таянч тушунчалар.

Масала, машқлар, тестлар.

Фан бўйича оралиқ, жорий, якуний баҳолаш мезонлари.

Ёзма ишларни баҳолаш мезонлари.

Фан мавзулари бўйича тайёрланган слайдлар, чизмалар ва бошқа намоёиш этилувчи материаллар.

Амалий иш ўйинлари.

Курс иши мавзулари.

Мустақил иш ва реферат мавзулари.

Ёзма иш саволлари ва бошқалардан иборат.

**Қўлланиладиган таълим технологиялари: кўргазмали маъруза, инсерт техникасини қўллаш, тест саволлари асосида сўров**

Маъруза ўқув жараёнининг асосий бўғини, дарс ўтишининг асосий шакллари билан бириктирилади. Маъруза билимни сўз билан ифодалаш, оғзаки баён қилиш кўзда тутилган, ҳажмининг катталиги, мантиқий қурилиши, умумлаштиришнинг мураккаблиги билан ажралиб туради. Маъруза (арабча, – ўқиш) ўқув материали, бирор масала, мавзу кабиларнинг мантиқий изчил, маълум бир тизимга солинган баёнидир.

**Маърузага икки нуқна назардан ёндашиш мумкин:**

- 1) ўқув жараёнининг ташкилий шакли сифатида;
- 2) билимни сўз билан ифодалаш, оғзаки баён қилиш методи сифатида.

**Маъруза бошқа оғзаки, сўз орқали ифодаланадиган методлардан:**

- а) нисбатан қатъий белгиланган таркиби;
- б) ўқув материални мантиқий изчилликда баён қилиш;
- д) таснифлаш, тариф бериш, образли исботлаш;
- э) бериладиган ахборотнинг сероблиги;
- г) материални ёритиб беришнинг тизимлилиги билан ажралиб туради.

Маъруза ўқувчи талабалар билан мулоқотда бўлишнинг алоҳида шакли ва уни бошқа ҳеч қандай ўқув шакли билан алмаштириб бўлмайди. Маърузанинг олдида қўйиладиган мақсад ҳар хил бўлиб, бу мақсад максимал даражада амалга ошиши учун, унинг функцияларига аҳамият бериш керак. Маъруза ўқитишнинг қуйидаги қатор функцияларини бажаради:

Профессional таълим бериш ва дунёқарашни шакллантириш.

Талабалар диққатини асосий мақсадга йўналтириш.

Маърузада талабаларнинг диққат эътибори ўқув материалининг асосий мазмуни, қонун қоидалари, уларнинг назарий ва келгусидаги амалиётда, мутахассислик фаолиятида қандай ўрин тутиши ва аҳамиятига, уни ўзлаштириш методларига қаратилади.

Идрок, тафаккурни ривожлантимвчи – тингловчиларда билмаганини билишга қизиқиш уйғотади. Мантикий флқрлаш ва ўз фикрини асослашга ўргатади.

Билим бериш, ўрганаётган фан бўйича ахборот олиш, олган ахбороти асосида хулоса чиқариш, умумлаштиришга ўргатиш.

Методологик – маъруза жараёнида тадқиқот методлари таққосланади, қиёсланади, илмий изланиш тамойиллари аниқланади.

Талабаларга тарбиявий таъсир кўрсатиш. Уларни ахлоқий, аънавий жиҳатдан баркамол бўлиши, меҳнатга муносабати, ижтимоий психологик хислатларини шакллантириш.

Маърузада мавзунинг асосий саволлари кетма-кетлик асосида ёритилади. Албатта, маърузанинг методик жиҳатдан ёритилиши, баён этилиши қўйилган мақсад, ўрганилаётган фаннинг, мавзунинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Маъруза фақатгина фармацевтика ривожланишнинг асосий қонуниятларини очиб бериш билан чекланиши керак эмас, фаннинг сўнги ютуқларидан фойдаланган ҳолда илмнинг амалиётда қандай аҳамиятга эга эканлигини, ҳаётда реал муаммоларни ечишдаги аҳамиятини, ечиш йўллари хам кўрсатиши керак.

Маъруза қандай фандан ўқилишидан қатъи назар, илмий характерга эга бўлиши, турли назарий йўналишлар, илмий мактабларнинг асосий ғояларини талабалар онгига етказиши ва олган билимини ишончга айлантириши керак. Ҳар қандай маърузанинг энг зарур шarti аудитория билан мулоқотга киришишдир. Маъруза ўқиш, энг аввало, унга тайёрланишдан бошланади. Бунинг учун биринчи навбатда, маъруза мавзуси бўйича адабиётлар танлаш ҳамда улар билан танишиб чиқиш керак.


Иккинчидан, фан бўйича ишлаб чиқилган дастурга кўра, маъруза режаси ва режа бўйича матн тайёрланиши ҳамда дарсни ўтказишда қўлланиладиган методларни танлаб чиқиш, дарс жараёнини технологик тизим сифатида таркиби, кетма-кетлигини аниқлаш лозим.

### ИНСЕРТ

В-биламан (-)- тўғри келмади

(+) –янги ахборот ( ? )- тушунмадим

В	+	-	?



Бир танловли тест топшириқлари ягона жавобни танлаш имконияти берилган топширилар ҳисобланади. Бир танловли саволлар «асос» деб юритиладиган тугатилмаган жумла ёки саволлардан иборат бўлиб, унга кетма-кет тўртта ёки бешта ҳақиқатга яқин бўлган жавоблар танлови келтирилади. Талаба улар орасидан битта тўғри жавобни танлаши керак. Тўғри жавоб «калит» деб, нотўғри жавоблар «чалғитувчи» жавоблар деб аталади.

**Мисол:** Қандай методлар “Интерфаол методлар” деб аталади?

А) Катта ҳажмдаги ўқув материални нисбатан узоқ вақт давомида монологик баён этиладиган методлар.

Б) Талабаларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида талаба бўлган методлар.

В) Муайян муддатга мўлжалланган, таълим жараёни кўпроқ таълим берувчи шахсига қаратилган методлар.

Г) ҳаммаси тўғри

Жавоб: Б

Кўп танловли тест топшириқларида жавоблар варианти бир нечта тўғри жавоблардан иборат бўлади.

**Мисол.** Қандай баҳолаш шакллари мавжуд?

1) меъерий

3) мезоний

2) жорий

4) якуний

**Жавоблар:**

А) 1 ва 2

С) 1 ва 3

Б) 1 ва 4

Д) 2 ва 4 Жавоб: Б

Бундай тест топшириқларида талабаларга иккита рўйхат тақдим этилиб, улардан бирида саволлар туркуми, иккинчисида эса жавоблар туркуми акс этирилган бўлади. Талабалар саволлар туркумига мувофиқ келувчи жавобларни топишлари ва белгилашлари талаб этилади. Мувофиқлаштирувчи тестлар бир қийматли ёки кўп қийматли бўлиши мумкин. Бир қийматли тестларда устунлардаги саволлар ва жавоблар

миқдори бир хил нисбатда, яъни бир саволга бир жавоб тўғри келиши керак бўлади. Кўп қийматли мувофиқлаштирувчи тестда эса устунлардаги саволлар ва жавоблар миқдори ҳар хил нисбатда, яъни бир неча саволга бир жавоб тўғри келиши мумкин, ёки аксинча бир саволга бир неча жавоб тўғри келиши мумкин. Жавобни белгилашда биринчи устундаги саволларга иккинчи устундаги жавобларни топиб, уни “ “ белгиси орқали ифодалаш мумкин. Ёки жавобларни саволлар белгиси ва жавоблар рақамини мос равишда белгилаш мумкин.

### **Назорат саволлари**

Давлат таълим стандартлари деганда нимани тушунаси?

Уларни ишлаб чиқиш зарурияти нимада?

Давлат таълим стандартларининг мақсади ва вазифаларини айтиб беринг.

1. Ўқув жараёнини ташкил этишда таянч ўқув режалари қандай рол ўйнайди?
2. Технологик харита нима, у қандай тузилади?
3. Умуман олганда, технологик харита керакми?
4. Ишчи ўқув дастури нима?
5. У намунавий ўқув дастуридан қайси жиҳатлари билан фаркланади?
6. Календар режа қандай тузилади?
7. Сиз фан бўйича мустақил равишда уни туза оласизми?
8. Ўқув-услубий комплекси, мажмуаси нима ва унинг таркибига нималар киради?

### **Адабиётлар**

1. Ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма / М. Арипов; ред. Ш. Мансуров. - Т. : Ношир, 2009. - 368 с.
2. Ғуломов С.С. ва бошқалар. «Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами», Т., 2001 й.
3. Ғуломов С.С. ва бошқалар. «Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами», Т., 2004 й.
4. Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. Тошкент: “НОРМА” МЧЖ, 2012.- 512 б.

# ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МОДУЛИ АСОСИДА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

## *Таълим технологиялари модули*

### **Режа:**

Таълим технологиясининг таърифи ва моҳияти.

Таълим технологиясининг элементлари ва турлари.

Интерфаол таълим методларидан фойдаланиш.

Ўқув модули – бу нисбатан мустақил, мантикий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув методик таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат.

Электрон ўқув модуллари бу электрон таълим ресурсларининг тўплами

Модулли ёндашув моҳияти – мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир.

Модулли технологиянинг моҳияти – таълим жараёнини модуллар асосида лойиҳалаштириш.

Модул назарий, амалий, технологик турларга ажратилади.

Модулнинг таркибига мақсадли ҳаракат дастури, ахборот банки ва дидактик мақсадга эришишни таъминлайдиган методик йўриқнома киради.

### **Модулнинг мақсадлари**

**Ўқув мақсади.** Дарс жараёнида таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

**Кутилаётган натижалар.** Талабалар модулни ўрганиш натижасида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар:

– таълим технологиясига таъриф бера олади;

– таълим технологияси элементларини ва турларини фарқлай олади;

– анъанавий ва илғор таълим технологияларининг афзаллик ва камчиликларини таҳлил қила олади.

–таълим жараёнида интерфаол методларни қўллай олади.

### **Технология**

**Технология** – юнонча «*techne*» сўзидан олинган бўлиб, *маҳорат, санъат* деган маънони, «*logos*» – сўз, *таълимот* маъносини англатади.

Технология – жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, шунингдек объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади.

Таълим технологиясини ўқитувчи, педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни

интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса деб таърифлаш мумкин (Б. Зиямухамедов).

Педагогик технология – бу ўқитувчи, тарбиячининг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шаклланишини кафолатлайдиган жараёнидир( Н.Сайидахмедов ва А.Очилов).

Педагогик технология – педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир (Б.Л. Фарберман).

Педагогик технология – ўқув жараёнига ёндошган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб ўқув жараёнини лойиҳалашдир (М.В.Кларин).

Педагогик технология – таълим олувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англаб олинадиган аниқланадиган мақсадни ифодалайди (И.Я. Лернер).

Таълим технологияси – таълим шакллари мақбуллаштириш мақсадида, инсон ва техника ресурслари ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда, барча ўқитиш ва билимларини ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимидир (ЮНЕСКО).

### Таълим технологияси элементлари



Таълим технологияси турлари:

- анъанавий таълим;
- муаммоли ўқитиш;
- ўйин;
- тадқиқот;
- ҳамкорликда ўқитиш;
- эркинтаълим;
- масофавий ўқитиш;
- дастурли ўқитиш;
- табақалаштирилган таълим;
- индивидуаллашган таълим;
- модулли ўқитиш;
- ривожлантирувчи;
- компьютерли таълим ва ҳоказалар.

### **Анъанавий таълим**

Анъанавий таълим технологияси таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқитишнинг анъанавий шакли, методи ва таълим воситаларининг мажмуидан фойдаланиб, таълим-тарбия мақсадига эришишдир.

### **Ноанъанавий таълим**

Ноанъанавий таълим технологияси таълим жараёни кўпроқ таълим оловчи шахсига қаратилган бўлиб, ўқитишнинг ноанъанавий шакли, интерфаол методлар ва замонавий таълим воситаларининг мажмуини таълим-тарбия ишидан кўзланган мақсадга эришишига йўналтиришдир.

### **Ҳамкорликда ўқитиш технологияси**

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир таълим оловчининг таҳсил олишдаги муваффақияти гуруҳи, муваффақиятга олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини сифатли бажаришга, ўқув материални пухта ўзлаштиришига, ўртоқларга ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштирилишига замин тайёрлайди.

### **Компьютерли таълим технологияси**

Компьютерли таълим технологияси – компьютердан фойдаланишга асосланган ўқитиш бўлиб, ўқитиш жараёнини оптимал даражада тезкор бошқариш имкониятини ва психологик қулайликларни яратган ҳолда ўқитишнинг чекланмаганлигига асосланган.

Анъанавий таълим технологияси афзалликлари:

- ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнининг ва муҳитининг юқори даражада назорат қилиниши;
- вақтдан унумли фойдаланилиши;
- аниқ илмий билимларга асосланиши;

– оз вақт мобайнида кўп маълумотлар бериш имконияти.

### **Анъанавий таълим технологияси камчиликлари**

Анъанавий таълим технологияси камчиликлари таълим олувчиларнинг пассив иштирокчи бўлиб қолиши;

- таълим олувчиларда қизиқишнинг вужудга келмаслиги;
- эслаб қолиш даражаси турлича бўлганлиги сабабли, ўзлаштириш даражаси пасайиб кетиши;
- мустақил ўрганиш ва ечимлар қабул қилиш учун шароитлар яратилмаслиги.

### **Ноанъанавий таълим технологияси афзалликлари:**

- “қайтар алоқа” нинг таъминланиши;
- мотивациянинг юқори даражада бўлиши;
- ўтилган материалнинг яхши эсда сақлаб қолиниши;
- мулоқатга киришиш кўникмасининг такомиллашиши;
- ўз-ўзини ва бошқаларни баҳолаш кўникмасининг шаклланиши;
- мустақил фикрлаш қобилиятининг ошиши.

### **Илғор таълим технологияси камчиликлари:**

- кўп вақт талаб этилиши;
- таълим олувчиларни назорат қилиш имкониятининг пастлиги;
- объектив баҳолашда қийинчиликларга дуч келиниши;
- ўқитувчининг ўзидан ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмасига эга бўлишининг талаб этилиши.

**Таълим методлари** – таълим берувчи ва таълим олувчининг муайян мақсадга қаратилган биргаликдаги фаолиятини ташкил қилишнинг тартибга солинган йўллар йиғиндиси.

### **Интерфаол методлар**

Интерфаол методлар – таълим берувчи ва таълим олувчининг ўзаро фаолиятини таъминловчи, уларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи ҳамда таълим олишга бўлган мотивацияни оширишга йўналтирилган методлардир.

### **Интерфаол таълим методлари:**

- Ақлий ҳужум;
- Пинборд;
- Кластер;
- Қор уюми;
- Бумеранг;
- Муаммоли вазият;
- Венн диаграммаси;
- ФСМУ;

- Балиқ скелети;
- Домино;
- 9 олмос бирлиги;
- Олтин балиқча;
- Ўргимчак тўри;
- Чархпалак;
- Елпиғич;
- Б-Б-Б;
- Кейс-стади;
- Синквейн;
- Иссиқ картошка;
- Лойиҳалаш;
- Ролли ўйин;
- Ишбилармонлик ўйини ва ҳоказалар.

### ***“Ақлий ҳужум” методи***

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо ёки савол бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир.


### ***«Ақлий ҳужум» методини қўллашдаги асосий қоидалар***

Барча таълим олувчилар қатнашишлари шарт.

Билдирилган ҳар қандай фикр – ғоялар, ҳатто улар нотўғри бўлса ҳам инобатга олинади.

Билдирилган фикр-ғоялар баҳоланмайди.

### ***«Ақлий ҳужум» методининг тузилмаси***



“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи – таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материални ўрганиш ёки топшириқни бажаришга қаратилган дарсадаги ижодий иш.

### **Пинборд (инглизчадан: pin-мустаҳкамлаш; board-доска)**

Пинборд (инглизчадан: pin-мустаҳкамлаш; board-доска) – бу ўқитиш услуби ақлий ҳужумнинг методининг ёзма кўринишидир. Унда ғоялар алоҳида варақаларда ёзма тарзда ифодаланади ва доскада жамланиб маълум бир тизимга солинади.

Ўтилган мавзуларни ёдда қолиш кўрсаткичи

Маъруза-эшитганимизнинг – 5 %;

Ўқиш-ўқиганимизнинг – 10 %;

Видеоусул, намоёиш-кўрганимизнинг – 20 %;


Таҷрибани намоёиш қилиш-кўрган ва эшитганимизнинг – 30 %;

Баҳс, мунозара, муҳокама ёрдамида – 40 %;

Машқлар, ўқиган, ёзган, гапирганимизда – 50 %;

Ишбоп уйин, кичик гуруҳларда ишлаш, лойиҳалаш, мустақил ўқиганимизнинг, таҳлил ва муҳокама қилганимизнинг, ҳимоя ва намоёиш қилганимизнинг – 75 % ёдимизда қолади.

## «Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг тузилмаси




**“КЛАСТЕР” методи** – таълим олувчиларда берилган мавзу хусусида эркинфикрлаш ва турли жавоблар ўртасида боғлиқлик ўрнатиш ва гуруҳлаш имкониятини яратувчи методдир.

### **“ЧАРХПАЛАК” методи**

**“ЧАРХПАЛАК” методи** – таълим олувчиларда ўтилган мавзу бўйича билимларини мустаҳкамлаш ва текшириш ҳамда бир-бирини баҳолаш имкониятини берувчи методдир.


## Кластер» методининг тузилмаси



### “БУМЕРАНГ” методи

“Бумеранг” методи – берилган материални таълим олувчиларнинг кичик гуруҳларда мустақил ўрганишига ва бошқаларни ўргатишига йўналтирилган методдир.


### «БУМЕРАНГ» методининг тузилмаси



### “Муаммоли вазият” методи

“Муаммоли вазият” методи – таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

### «Муаммоли вазият» методининг тузилмаси



"Ролли ўйин" методи

“Ролли ўйин” методи – таълим олувчилар томонидан мавзу юзасидан учрайдиган ҳаётий вазиятларнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

### «Ролли ўйин» методининг тузилмаси



### **"Ишбилармонлик ўйини" методи**

"Ишбилармонлик ўйини" методи – берилган топшириқга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

### **"Ишбилармонлик ўйини"**

#### **Методи**

Ўйин шартлари ва баҳолаш мезонлари билан таълим олувчилар таништирилади

Вазифалар тақсимланади

Вазифалар бўйича иштирокчилар қарор қабул қиладилар

Ўйин амалга оширилади


Муҳокама, таҳлил қилиш ва баҳолаш

### **“Кейс-стади” методи (Аниқ вазиятларни таҳлил қилиш)**

Кейс (вазият) – ишлаб чиқаришда содир бўладиган, реал муаммоли вазиятнинг тафсилотидир.

“Кейс-стади” методи – ишлаб чиқариш масалаларини машғулотларда таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва қарор қабул қилиш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш методи ҳисобланади.


«Кейс-стади» –методининг тузилмаси



### "ЛОЙИҲАЛАШ" методи

«ЛОЙИҲАЛАШ» методи – таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, берилган вазифа бўйича режалаштириш, ташкиллаштириш ва натижаларни баҳолаш ишларини олиб боришидир.


#### «ЛОЙИҲАЛАШ» методининг тузилмаси




## «ЛОЙИҲАЛАШ» методи бўйича фаолият кўрсатиш



**“ВЕНН ДИАГРАММАСИ”** методи – таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, ўрганилаётган объектларнинг ўзига хос ва ўхшаш хусусиятларини таҳлил қилиш кўникмаларини такомиллаштиришга йўналтирилган.



## “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” метод



1) “А” объектнинг ўзига хос жиҳатлари; 2) “В” объектнинг ўзига хос жиҳатлари; 3) “С” объектнинг ўзига хос жиҳатлари; 4) “А” ва “В” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари; 5) “А” ва “С” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари; 6) “В” ва “С” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари; 7) “А”, “В” ва “С” объектларнинг ўхшаш жиҳатлари.

## “ФСМУ” методи

“ФСМУ” методи бу:

**Ф** – *фикрингизни баён этинг*;

**С** - фикрингизнинг баёнига *сабаб* кўрсатинг.

**М** - кўрсатилган сабабингизни исботлаб *мисол* (далил) келтиринг.


**У** – фикрингизни *умумлаштиринг*.

«ФСМУ» методининг тузилмаси




### Таълимнинг ташкилий шакли

Таълимнинг ташкилий шакли – белгиланган тартибда содир бўладиган, таълим берувчи ва таълим олувчининг махсус ташкил қилинган фаолиятининг ташқи ифодасидир.



## Таълим воситалари

Таълим воситалари – ўқитилиши ва ўрганилиши лозим бўлган билимларни берувчи, кўникма ва малакаларни ривожлантирувчи ҳар қандай ахборот ташувчилардир.



## Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
2. Ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма / М. Арипов; ред. Ш. Мансуров. - Т. : Ношир, 2009. - 368 с.
3. Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма. Тошкент: “НОРМА” МЧЖ, 2012.- 512 б.
4. Коржуев А.В., Попков В.А. Очерки прикладной методологии процесса вузовского обучения. Издательство Московского университета. Москва, 2001. – С. 351.
5. Қосимова А.Х., Холиқова Ф.А. // Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. –Тошкент. – 2004. 52-б.
6. <http://www.audit-it.ru>.